

Мустаҳкам оила — муқаддас қўрғон

ҲАМИДЖОН ТОҲИРЖОНОВ

И Б Р А Т

(шеърлар ва ҳикоялар)

Тошкент
“Muhammad” нашриёти
2012

УДК: 821.513

КБК 84(5Ў)7 - 435.9995.

Т 80

Тоҳиржонов, Ҳамиджон

Ибрат: шеърлар ва ҳикоялар / Ҳ.Тоҳиржонов —
Тошкент: «Muharrir» nashriyoti, 2012, 104 б.

ISBN 978-9943-25-143-4

Ҳар бир ижодкорнинг энг катта ютуғи ўқувчига манзур асарлар ярата олишдир. Ҳ.Тоҳиржоновнинг ушбу тўпламини ҳам шундай асарлар жумласига киритиш мумкин. Ундаги мазмундор ва серқирра шеърлар, ҳаётий ҳикоялар, фалсафий қарашлар, умр мазмуни ҳақидаги ўйлар самимият билан йўғрилган.

УУДК: 821.513


КБК 84(5Ў)7

Тақризчи:

Фарҳод Ҳайитметов,
филология фанлари номзоди

Ю 44 164
281

ISBN 978-9943-25-143-4



© Ҳамиджон ТОҲИРЖОНОВ

© «Муҳаррир» нашриёти,
Тошкент, 2012 йил.

ОҲ, МЕНИНГ ВАТАНИМ !

Табиат чиройин сенга бергандур,
Сен ёруғ қуёшсан, кўзларингда нур,
Боғларинг меваси-йўлларингда дур,
Ниятинг пок эрур, қалбингда шуур.
Оҳ, менинг Ватаним, Ўзбекистоним .

Тоғларинг юксакдир, меҳринг — ғуруринг,
Боғларинг гулшандир, сеҳринг — суруринг,
Зилолдир беғубор дарё сувларинг,
Пахтанг каби оқдир қалбдан дуойинг.
Оҳ, менинг Ватаним, Ўзбекистоним.

Ширин орзуларинг —буюк келажак,
Ёш авлод интилар толега бешак,
Юртбошинг нияти чин дилдан, албат,
Фарзандларинг бахтин шунда кўражак.
Оҳ, менинг Ватаним, Ўзбекистоним !

14.08.2011 йил



ХАЛҚИНГ КАДРИНИ БИЛГИН

Халқ ичра қадрда бўлмоқ истасанг,
Ўзни зийраклардан кўрмоқ истасанг,
Одамларга яхши бўлмоқ истасанг,
Аввало, халқингнинг қадрини билгил.

Қалбларга сеvimли бўлмоқ истасанг,
Ёшликдан қаддинг тик юрмоқ истасанг,
Ҳалолу пок даврон сурмоқ истасанг,
Халқингнинг мақсадин ўзники билгил.

Одамлар орқамдан кулмасин десанг,
Пок номим шармисор бўлмасин десанг,
Ёш умрим ёмонлик кўрмасин десанг,
Халқинг хизматини юракдан қилгил.

Азоб-уқубатсиз яшар истасанг,
Битмас ишни қилмоқ хатар деб билсанг,
Беобрў бўлмай деб ниятлар қилсанг,
Халқинг севгиси деб сен яшай билгил.

Эй, Ҳамидий, агар билим истасанг,
Нафи тегсин, дея илм изласанг,
Халқинг ташвишида ғам-алам чексанг,
Халқингнинг қадрини билганинг шудир.

14.03.2012 йил.



ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ ҚЎШИҒИ

(Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланади)

Биз истиқлол фарзандлари,
Хур ўлкамиз дилбандлари,
Биз куйласак — олам куйлар,
Кўнгил туташ пайвандлари.

Биз кулсак гар олам кулар,
Дунё шодлик, нурга тўлар,
Бугун юртда азиз — байрам,
Қалбимизда қувонч гуллар.

Куйга тўлсин шу юрт-бўстон,
Ватаним — хур Ўзбекистон.

Кўнглимизнинг таровати,
Истиқлолнинг шарофати,
Абад бўлсин мустақиллик
Берган тинчлик, фароғати.

Тинчлигимиз чин роҳатин,
Юртбошимиз саховатин,
Истиқлолдан топдик бизлар,
Истиқболнинг шаҳодатин.

Гулга тўлсин нурли бўстон,
Ватаним — хур Ўзбекистон.

Келинг дўстлар, давра қуринг,
Ёшлигимиз даврин сурунг,
Ҳамидийда яхши ният,
Фақат яхши кунлар кўрунг.

Нурга тўлсин бахтли бўстон,
Ватаним — хур Ўзбекистон.

20.06.2011 йил

«ЁШ АВЛОД» ҚЎШИФИ

(«Фонд Форум» жамғармасыга бағишлов)

Ёш авлод жўшқинлик малоҳати бор,
Қалбларда ижодкор маҳорати бор,
Янгилик изламоқ, «Меҳр нури» ёр,
«Фонд Форум» мададкор, салобати бор.

Яхшилик, эзгулик унинг шиори,
Буюклар меъросин асрамоқ — ори,
Илм-фан, санъатдир фикру хаёли,
Изланиш, ҳаракат — бахту иқболи.

Буюк юрт ёшларин юксак парвози,
Мурувват, саховат, кўнгиллар сози,
«Келажак овози» — ёшлар овози,
Ёшлар қалб тугёни, ошиқлар рози.

Истиқлол нуридан бизлар эркин, шод,
Баҳодир, баркамол, навқирон, озод,
Биз янги авлодмиз, биз — «Янги авлод»,
Буюк келажакни этамиз бунёд.

Халқимиз орзуи — буюк келажак,
Ёш авлод мақсади улугвор, бўлак,
«Фонд Форум» мададкор, ҳувват беражак,
Юртбошим дуоси ижобат, бешак.

24.12.2011 йил.



ТАБИАТНИНГ МУҲАББАТИ БЕМИННАТ

Она замин одамзодга салтанат,
Куёш, ҳаво, ёмғир сувлари неъмат,
Тоғу тошлар, гул боғлари саховат,
Мевалари инсон учун мурувват,
Табиатнинг муҳаббати беминнат.

Булоқ сувлар тирикликни бахш этар,
Боғу роғлар, чаманзорлар нақш этар,
Паррандалар, даррандалар саф этар,
Булбуллари ишқ боғларин кашф этар.
Табиатнинг муҳаббати беминнат.

Тўрт фаслда она замин бор этар,
Кўнгилларни хушнуд айлаб, ёр этар,
Ёмонликни қилмоқ бизга ор этар,
Инсон зотин чексиз миннатдор этар.
Табиатнинг муҳаббати беминнат.

Бу дунёнинг ёлғонлари кўп деманг,
Қайғулари, аламлари тўп деманг,
Ҳасратлари тўла деса хўп деманг,
Уни севинг, албат асраб-авайланг.
Табиатнинг муҳаббати беминнат.

Эй, Ҳамидий, атрофингда неки бор,
Она замин меҳри унда чексиз бор,
Шукр ила сабр айла, қилмагин хор,
У қолдирмас муҳтожликда, умринг зор.
Табиатнинг муҳаббати беминнат.

24.03.2012 йил.



ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛСА

Янги йил кириб келса,
Шодликка тўлиб келса,
Ясатганда арчамиз,
Бахт-иқбол тўлиб келса.

Қани, давра қурайлик,
Қувнашайлик, ўйнайлик,
Истиқлол берган бахтни,
Қўшиқларда куйлайлик.

Қорбобо, ҳой Қорбобо,
Соғиндик, келинг бобо,
Янги йил кириб келди.
Бахт-иқбол кулиб келди.

Қорбобо қорқиз билан
Бизнинг байрамга келинг,
Халтангиз тўла бизга,
Совға-саломлар беринг.

Қани, давра қурайлик,
Қувнашайлик, ўйнайлик,
Истиқлол берган бахтни,
Қўшиқларда куйлайлик.

27.11. 2011 йил.



2012 йил – «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ГА

БАҒИШЛОВ

Халқимнинг муҳаббат ардоғи яхши,
Булбул каби қалблар сайроғи яхши,
Буюк истиқлолга юзини тутиб,
Қудратли жамият қурмоғи яхши.
Мустаҳкам оила, билдим, шундандир,
Мустаҳкам оила — муқаддас қўрғон.

Томчилар йиғилиб уммон бўлади,
Пок қалблар йиғилса, бир жон бўлади,
Ниятлар устувор бўлгани онда,
Оила — муқаддас макон бўлади.

Ҳар йилни эътироф этажак дилдан,
Ҳар яхши тилаклар учажак тилдан,
Юрайлик юртбошим кўрсатган йўлдан,
Мустаҳкам оила — муқаддас қўрғон.

Ҳамидий, нияти бардавом бўлсин,
Тинч-тотув яшамоқ гул замон бўлсин,
Халқимнинг орзуси — буюк келажак,
Элу юрт бахт ила қувончга тўлсин.
Муқаддас оила — муқаддас қўрғон,
Мустаҳкам оила — эл-юртга дармон.

7.12.2011 йил.



КАҲРАМОННИНГ ОНАСИ

*(Рустам Қосимжоновнинг оналари
Меҳрихон аяга бағишлов)*

Юксалар ҳар дамда, елиб югурар,
Талпинар кўкларга билмасдан тиним,
Шундай бахтли кунлар ғамин унутар,
Қалб тўла ғам-ташвиш, аламин ютар.

Ҳам ота, ҳам она фарзандларига,
Ҳам устоз-муаллим арзандларига,
Умидахон, Хуршиджон, Рустамжонга,
Меҳрибондир уч фарзанднинг онаси.

Бугун кўз ўнгидан ўтар бирма-бир,
Шоду ғамга тўла дамлар бирма-бир,
Қани, унутсайди она ҳар бирин —
Ёлғизлик қийнаган, эзган ғамларин,
Синовга берилган оғир онларин,
«Фарзандла рим бўлсин» — деган дамларин.

Сабрлидир уч фарзанднинг онаси,
Қадрлидир уч фарзанднинг онаси.

Баъзан уни оғир хаёллар бари,
Олиб кетар узоқ юлдузлар сари,
Уйқусиз тунлари тиловатларда,
Тинимсиз кунлари ибодатларда,
«Аллоҳим, бергил, — деб — бизларга мадад»,
Фақат Яратгандан сўрарди ният.

Ниятдадир уч фарзанднинг онаси,
Иззатдадир уч фарзанднинг онаси.

Мана ортда қолди оғир дошлари,
Кўзларидан оққан алам ёшлари,
Фарзанду келинлар бугун қошида,
Неваралар хурсанд қутлуғ ёшида.

Барчамизга ҳурматли азиз Меҳрихон,
«Энг бахтли онадир», азиздир шу он,
Оила мустаҳкам, бахтиёр шодон,
Ибратдадир бугун азиз Меҳрихон,
Ҳурматлар Мустақил ҳур Ўзбекистон.
Фарзандин тан олар бугун кенг жаҳон.

22 июль 2012 йил

ЖОНИМГА ПАЙВАНДДИР ОТАМ

Насихату дуойингиз дармондир,
Бўлмасангиз ёнимда гар армондир,
Сизга содиқ бўлмоқ менда паймондир,
Жонингиз жонимга пайванддир, отам.

Беадаб фарзанд отанинг хоридур,
Ақли —хуш фарзанд отанинг боридур,
Бахту иқбол, шону шавкат конидур,
Жонингиз жонимга пайванддир, отам.

Отажоним, сизни тавоф этгайман,
Ҳалолу пок ҳаётим соф этгайман,
Ёлғон сўзлаб, мақтанмоқ лоф билгайман,
Жонингиз жонимга пайванддир, отам.

Мен, Ҳамидий, истайман — соғ бўлсангиз,
Ҳаётимда суянчиқ — тоғ бўлсангиз,
Дуо айлаб, кўнгиллар чоғ этсангиз,
Жонингиз жонимга пайванддир, отам.

7.07.20011 йил



ЭЙ, БУЮК ИНСОН

Одам авлодисан, аҳли замонсан,
Бунчалар доносан, сахий уммонсан,
Мунчалар зуккосан, илмга консан,
Нақадар аълосан, нодир жонзотсан.
Сен буюк хилқатсан, улуғ Инсонсан.

Нақадар мафтункор, нақадар нурли,
Нақадар идрокли, сабрли, кучли,
Барча гўзалликлар сенда жамул-жам,
Нақадар ҳуснкор, баъзида мунгли.
Энг азиз жонзотсан, улуғ Инсонсан.

Севинч, қувончларга тўла қанотинг,
Ғам-ташвиш, қайғуга чидар бардошинг,
Меҳрга, қаҳрга сахий ўқтамсан,
Ҳаётинг фаслини безар баҳоринг.
Сен азиз кўркамсан, улуғ Инсонсан.

Сенинг ҳаётингда Куёш тафти бор,
Сенинг жамолингда Ойнинг акси бор,
Вужудинг таркиби Она Ер асли,
Ҳатто фаришта ҳам рашк қилгани бор.
Сен улуғ мавжудот, буюк Инсонсан.

Яратганнинг сеҳру жодуси сенда,
Тириклик неъмат, орзуси сенда,
Имонинг бутундир, Одам зотисан,
Азизу мукаррам ёғдуси сенда.
Энг улуғ жонзотсан, азиз Инсонсан.

Ҳамидий, шукр эт, Инсон зотисан,
Улуғ аждодларнинг хоки пойисан,
Умрингни синов деб ҳалол яшасанг,
Имонинг мустаҳкам, одам покисан.
Шунда бил муҳтарам, азиз Инсонсан.

28.06.2011 йил.

БАҒИШЛОВ!

Йигирманчи асрнинг ўрталарида,
Қирқ биринчи йилнинг ёз бошларида,
Ўн иккинчи июнь тонг саҳарида,
Тошкенти азимнинг нақ марказида,
Қадимий «Ўқчи»лар маҳалласида,
Қосимжон отанинг сулоласида,
Орифжон-Лутфихон оиласида,
Туну кун тинмайин ибодатидан,
Ибодатда қилган тиловатидан,
Тиловатда ният ижобатидан,
Аллоҳнинг улуғ бир иноятидан,
Туғилди бир ўғлон мисли паҳлавон,
Ёп-ёруғ айлабон шу тонг хонадон,
Шодликка тўлдирди ҳаммани шу он.
Келажакда етук инсон бўлсин деб,
Имонда мустаҳкам, доно бўлсин деб,
Илм-фанда сахий, зукко бўлсин деб,
Машруъжон деб унга исм бердилар.
Зеҳни ўткир, зукко, чаққон чақалоқ,
Ўсарди шўх бўлиб, доно, тиришқоқ,
Тенгдошлари билан ўйнаб, хушчақчақ,
Ўсганди бақувват жисмонан шу чоқ.
Отасидан у илк билимин олган,
Одобда комиллик шиорин олган,
Илм-фан, ижодда Яратган мудом,
Қалбига олимлик илҳомин солган.
Онасидан алифбе сабоғин олган,
Қалб тўла меҳрию ардоғин олган,
Ватанга, халқига муҳаббатю,
Ҳақиқий инсоний ахлоқин олган.
Дунё илмларин ўрганмоқ истаб,
Сабру машаққатда илм олмоқ истаб,
Олимлик чўққисин забт этмоқ истаб,

Қадимий Москопда сабоғин олган.
Бутун дунё тан олган устозларидан
Физика илмининг сеҳрини олган.
Мана, бугун унинг шогирдлари тўп,
У бошлаган ишлар давомчиси кўп,
Шогирдлар олгандир сабоқларин хўп,
У ёзиб қолдирган китоблари кўп.
Машруъжон уйланиш ёшига етиб,
Унга бир содиқ ёр айламиш насиб,
Аллоҳим меҳрию мурувватила,
Меҳрихон ёри ҳам бўлмиш муносиб.
Оила қурдилар, тўйлар қилдилар,
Бир-биридан ширин уч нафар фарзанд,
Умидахон, Хуршид, Рустамжон — арзанд,
Орзу қилган бахтин кўрайин дегач,
Тақдирда шундайин мусибат етгач,
Машруъжон дунёдан фоний бўлдилар.
Тақдирла бошига тушгач мусибат,
Вафодор Меҳрихон содиқла албат,
Сездирмай етимлик, яшамоқ мақсад,
Ўстирди у жаҳон тан олган фарзанд.
Ҳамидий йўллайди ниятлар бугун,
Энг яхши истаклар, тилаклар бугун,
Ниятим, Меҳрихон саломат бўлсин,
Армонда қолган қалб нурларга тўлсин,
Фарзандлар улғайиб, камол топганин,
Отаси кўрмаган бахтларин кўрсин.
Машруъжон руҳлари ҳар дам шод бўлсин,
Хотира кунлари шогирдлар, дўстлар,
Фарзандлар қалбида абадий бўлсин,
Ҳайрли ишлари давомий бўлсин !

12.06.2011 йил



ИБРАТ

(Ҳурматли Отамиз Тоҳиржон Ғуломовга бағишланади)

Болаликдан бизни суюб, эркалаб,
Тарбия этдингиз ўқимоқ талаб,
Қўл очиб дуога, бахт-иқбол истаб,
Илмли бўлинг, деб қилдингиз ният,
Фарзандга ниятни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

Эсимда, ҳар ҳафта, жума кунда,
Отангизни оппоқ янги кийимда,
Машинада шаҳар айлантирганда,
Қадрдон дўстлари билан суҳбатда,
Отага иззатни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

Мунис онангиздан дуо олганда,
Онангиз дуосин шифо билганда, .
«Ассалом — алайкум, онажон» дея,
Меҳр-ҳурматингиз изҳор этганда,
Онага ҳурматни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

Меҳрибон онамиз бетоб бўлганда,
Табиб излаб, юрак сиқилган дамда,
Онамиз соғайиб шифо топганда,
Вафоли ёр қандай — шунда билганда,
Ёрга муҳаббатни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

Дўстларингиз ила ширин улфатда,
Қариндош-уруғлар қизғин суҳбатда,
Қудалар давраси, билдим, ҳурматда,
Ҳар давра мунтазир — доим иззатда,
Дўстга садоқатни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

Одамлар дуосин олмоқлик дилда,
Инсонларга ҳурмат, иззат ҳар ерда,
Турмуш машаққатин енгиб ҳар бирда,
Тўй-ҳашам кунлари, турли тадбирда,
Яхшилик сийратни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

Гоҳо узоқ ердан бирга қайтганда,
Шаҳримиз Тошкентга қадам қўйганда,
«Ассалом алайкум, она Тошкентим»,
Ҳар сафар чин дилдан дея айтганда,
Юртга муҳаббатни Сизда кўрганман,
Отажон, ибратни Сиздан олганман.

13.11.2011 йил

САХОВАТ ҲАКИДА

Гўзал хулқ боғида улкан бир дарахт,
Ҳосилин меваси эмиш саховат.
Одабийлик мулкин гавҳаридир у,
Хиди йўқ мушк анбар — жавҳаридир у.
Бир майизни қирққа бўлса сахийдир,
Бўлишмасдан ўзи еса бахилдир.
Сахий одам—ҳазина, олийҳиммат,
Танда эса сахийлик жондек қиммат.
Саховатсиз одам дурсиз бир садаф,
Осмонда тутун у, кутмагил шараф.
Саховатсиз инсон —ёғинсиз булут,
Мевасиз дарахт у, борлигин унут.
Олийҳиммат одам парвози баланд,
Бу улуғ сифатлар —покиза ҳарчанд.
Ҳиммат аҳлин ихтисоси — саховат,
Олийҳиммат инсон умри ҳаловат.
Эй, Ҳамидий, саховатлик инсон бўл,
Ҳосилин кўрурсан, шу энг тўғри йўл.

8.01.2012 йил.

ҚАНОАТ

(А.Навоийнинг «Маҳбуб ул - қулуб» китобидан руҳланиб)

Қаноат бир сабрдирки,
Мушибатга енгилмас.
Яратганга шуқирдирки,
Тақдиридан нолимас.

Қаноат бир чашмадирки,
Унинг суви қуримас,
Чанқоғинг хўп босардирки,
Шифоси ҳеч тугамас.


Қаноат бир ҳазинаки,
Унда бойлик тугамас,
У бир мева дарахтидир,
Есанг ҳосил камаймас.

Қаноат бир экинзордир,
Уруғ эксанг хор бўлмас,
У бир мўл куз ҳосилидир,
Одамзод ҳеч зор бўлмас.

Қаноат бир қўрғондирки,
Унда мағлуб нафс, албат,
У бир юксак чўққидирки,
Унда маҳбуб муҳаббат.

Қаноатда қанча роҳат,
Дилга қанча фароғат.
Даф этар разиллиқни,
Йироқ бўлар укубат.

Ҳамидийга қаноат — бахт,
Амал қилса саодат,
Муҳтожликдан халосдирки,
Ҳокисорлик шарофат.



КАРАМ

Бир жафокаш оғир юкин,
Кўтармоқлик карамликдир,
Хатто қилган яхши ишин,
Асло юзга солмасликдир.

Кимга насиб этмиш ато,
Яхши сифат оширмакдир.
Карамликдир гўзал мато,
Айбларин яширмакдир.

Ҳар кўрганда миннат ила,
Хатто оғиз очмасликдир.
Гул тикани санчилса ҳам,
Оғриғидан қочмасликдир.

Эй, Ҳамидий, карам ила,
Бахтли ҳаёт кўрмакликдир,
Карамлик қил байрам ила,
Савобга ҳам тўймакликдир.

22.08.2009 йил.

ЭЗГУЛИК

Эзгулик амалда яхшидир, инсон,
Охират кунда қолгайдир омон,
Фақатгина яхши насл-насабла
Кеккаймоқ — гумроҳлик, фойда йўқ инон.

Кеккайиб, димоғдор бўлмагил, инсон,
Қаршингда гадоми, қулми ё султон,
Барчани азиз, хуш яратган чунон,
Такаббурлик фақат Ҳаққа хос, инон.

Ҳаром луқма ила яшамоқ одат,
Қабул бўлмас эмиш қилар ибодат,
Нафсин қули бўлиб яшамоқ албат,
Инсон гуноҳлари бўлар беадад.

Эй, Ҳамидий, фурсатинг ўтмоғин бил,
Ҳаёт — синов, яхшидир эзгулик қил,
Ҳалолу пок, имон ила яшагил,
Икки дунё саодатин шунда бил.

1.04.2010 йил.

ЁЛҒОНДАН ҚОЧ

Ёлғончига ҳамкор бўлиб, қилма сафар,
Ани билан ўтган умр кони зарар,
Ёлғончининг ўтган ҳар бир куни заҳар,
Ёлғончидан ҳатто дўзах қилар хазар.

Дуо қилгил ростгўйликка ҳамроҳ қилсин,
Тўғри сўзла, эгри йўлдан йироқ қилсин,
Ёлғон билан бўлма ошно, айро қилсин,
Ғариб жонинг ошиқ қалбга вафо қилсин.

Ғам заҳрига тўлиб, қонлар ютар бўлсанг,
Бағринг куйиб, жондан тўйиб кетар бўлсанг,
Гуноҳим кўп дебон ёлғон айтар бўлсанг,
Ҳақдин сўра — ниятингга етардурсан.

Эй Ҳамидий, ёлғон билан ҳол сўрмагин,
Дўст бўлибон, афсус айлаб дол бўлмагин.
Рост айтмоққа интил доим, хор бўлмагил,
Савоб ишлар қилмоққа ҳеч зор бўлмагил.

1.09.2010 йил



ИШҚ ҲАҚИДА

(А.Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини ўқиб)

Ошиқ кўнглин маъшуқ ҳавосидир ишқ,
Бир жилваси жонин олгувсидир ишқ,
Шунчалар қайсарки, унинг кўйида,
Подишоҳу гадо мубталодир ишқ.

Ишқдан гулизордир қайғули диллар,
Қоронғу кечада равшан кўнгиллар,
Алангали чақмоқ, кўнгил қул этар,
Ишқ кенг денгиздир, фарқ этар йиллар.

Башарият кўзин нури зиёси,
Инсоният тожин зийнат — зақоси,
Товланиб турувчи гавҳар — баҳоси,
Ишқ оташидандир кўнгил саҳроси.

Баъзан у хоиндир, баъзандир қотил,
Баъзан у зулмкор, баъзандир пок дил,
У порлоқ юлдуздир, толеъ қуёши,
Қайғули тиканзор, баъзандир жон дил.

Эй, Ҳамидий, ишқдир ҳаёт гултожи,
Севгидан яшнагай бахтнингдир тожи,
Вафода, ҳаёда, имонда ўтсанг,
Шундан билгил умринг тўланар божи.

11.03.2012 йил



ИЛМДАНДУР

Илмдандур дунё сирийн ўрганмоқлик,
Тафаккур-ла ажаб дунё кузатмоқлик,
Суҳбатларда доно сўзин тингламоқлик,
Ҳақиқат деб ҳаёт синови англамоқлик.

Илмдандир ақлу идрок, қарамлик ҳам,
Не фойдаю зарар нима билмақлик ҳам,
Бир мақсадга етишмоқлик, бирдамлик ҳам,
Маърифат-ла меҳрибонлик, сабрлик ҳам,

Бахт-саодат кўрмоқлик ҳам илмдандур,
Бой-бадавлат бўлмоқлик ҳам илмдандур,
Одоб-ахлоқ олмоқлик ҳам илмдандур,
Пок имонда ўтмоқлик ҳам илмдандур.

Эй, Ҳамидий, давраларда билиб сўзла,
Билим олмоқ, табиатни очмоқ кўзла,
Имон ила ҳақиқатни билиб сўзла,
Илму амал икки қанот, учмоқ кўзла.

22.11.2011 йил



МУҲАББАТИМ, МУҲАББАТ!

Вафоли ёр бўлай дейман,
Боғингдан гул узай дейман,
Ишқ ошёнин тузай дейман,
Муҳаббатим, муҳаббат.

Чиройга бунчалар бойсан,
Тунларимда ёнар ойсан,
Шиддатли оқар сойсан,
Муҳаббатим, муҳаббат.

Севганимни сезмайсанму,
Саволимдан безмайсанму,
Юрак-бағрим эзмайсанму,
Муҳаббатим, муҳаббат.

Ишқ боғида булбулингман,
Шудринг босган сунбулингман,
Садоқатли бир қулингман,
Муҳаббатим, муҳаббат.

Ҳамидий кўнглин олгансан,
Чуқур ўйларга солгансан,
Қандай жавобда қолгансан,
Муҳаббатим, муҳаббат.

5.01. 2012 йил.



БУ БИЗНИНГ ОСМОНДИР

Ўн саккиз минг олам унда мужассам,
Бағрида юлдузлар чексиз, жамулжам,
Бир неча минг қуёш тизимларда ҳам,
Ажабмас, бор бўлса Ердек замин ҳам.
Бу осмон — илоҳий, бизнинг осмондир.

Кимларга мусаффо, бепоён, чексиз,
Кимларга нурлидир, кимларга нурсиз,
Бағрида нуқтадек ҳар бир сайёра,
Доим ҳаракатда, даврий, тинимсиз.
Бу осмон — илоҳий, бизнинг осмондир.

Қуёшнинг нурлари ҳаёт бахш этар,
Юлдузлар қоронғу тунни нақш этар,
Ҳаракатда барча сайёралар ҳам,
Сайёҳлар манзилин йўл қараш этар.
Бу осмон — илоҳий, бизнинг осмондир.

Ҳамидий, ғанимат ҳаёт ҳар онинг,
Умр бахш этажак томирда қонинг,
Мусаффо ҳавою нурли осмонинг,
Ерда яшайсану осмон маконинг,
Бу осмон — илоҳий, бизнинг осмондир.

31.12.2011 йил.



УМРНИ ҒАНИМАТ БИЛУРСАН

Тинчликда хотиржам тонг отса,
Соғ ҳолда юракда қон оқса,
Танангга пок руҳ-ла жон ёқса,
Шукр-ла ҳар бир он ўтолсанг,
Демакки, имонда яшарсан.

На озга қаноат қиларсан,
На кўпни етар деб биларсан,
Бориға қачон, айт, тўярсан,
Шукр-ла ҳар бир он ўтолсанг,
Демакки, имонда яшарсан.

Ватанинг бағрида бўлолсанг,
Меҳрига қониб-ла тўёлсанг,
Бағрида шод-хуррам ўсолсанг,
Шукр-ла ҳар бир он ўтолсанг,
Демакки, имонда яшарсан.

Ҳамидий, қаноат қилолсанг,
Умрни ғанимат билолсанг,
Дунёни синоат сезолсанг,
Шукр-ла ҳар бир он ўтолсанг,
Демакки, имонда яшарсан.

12.01.2012 йил.



ОҲ, МЕНИНГ ИЛҲОМИМ – МЕНИНГ ИЖОДИМ !

Қалбимда жўш урар, юракда қоним,
Сен билан бўлсам гар, бахтли ҳар оним,
Сен билан ҳамиша фикру хаёлим,
Мени ҳеч тарк этма дилкаш-ҳамроҳим,
Оҳ, менинг илҳомим — менинг ижодим.

Менинг қувончимсан, гоҳо армоним,
Гоҳо ғам-ғуссаю, гоҳо дармоним,
Имонда, ижодда, ҳаётим-жоним,
Бирга бўлган дамлар бахтдир ҳар доим,
Оҳ, менинг илҳомим — менинг ижодим.

Гоҳо адашаман келганмисан, деб,
Янглишсам сезмайин, севганмисан, деб,
Баъзида кутаман кетганмисан,деб,
Қалбим сўроқ этар доим сени деб,
Оҳ, менинг илҳомим — менинг ижодим.

Мен, Ҳамидий, доим келишинг кутиб,
Ҳаёт уммонида елишинг кутиб,
Қалбимга илҳомлар беришинг кутиб,
Яшайман, соғиниб, келишинг кутиб,
Оҳ, менинг илҳомим — менинг ижодим.

6..12.2011 йил



МАККОР ИНСОН ҲАҚИДА

Фосиқ одам хийлакору маккордир,
Хасисликда яшаб, умри абгордир,
Тугён урса дилда ният-ҳасаддир,
Адоват,ғазаб, зулм,тамаъ — мақсаддир.

Унда бордир ёмон хулқ, иш —бузуқлик,
Шайтонга дўст бўлмоқ, нафсига қуллик,
Унда бордир уруш, жанжал, шилқимлик,
Соддадил инсонларга қаҳри қаттиқлик.

Маккор инсон ҳар замон ҳам ёмондир,
Ундан узоқ бўлган одам омондир,
Эй, Ҳамидий, доно сўзи ҳикматдир,
Унутмагил, фосиқликда иллатдир.

19.12.2011 йил.



ЯХШИЮ ЁМОН ХУСУСИДА

«Дунёга устунман» деганлар қани,
«Абадий яшайман» деганлар қани,
Фақат яхши ишу яхши амаллар,
Ибодат зарур деб, билганлар қани?

Яхши бўлсанг қолар фақат яхши ном,
Сени дуо қилар чин дилдан авом,
Яхши сўз айтишиб, эслашар мудом,
То қиёмат қадар савоблар давом.

Ёмон бўлсанг қолар фақат ёмон ном,
Ёмонлик сақланур дилларда мудом,
Шаънингга лаънатлар айтилур давом,
Ўлгач, ҳатто дуо ўқимас авом.

Агар ёлғон билан тилинг боғласанг,
Ёмон ният билан дилинг доғласанг,
Айтгил тупроқ ичра қандай ётгайсан,
Гуноҳи азимга қўнгил чоғласанг.

Ҳамидийдан қолса яхши ёдгорлик,
Одобли фарзандлар, тўғри сўз борлик,
Келгуси авлодлар кўрмагай зорлик,
Саодатда умр билмагай хорлик.

10.11.2011 йил



ИШҚ ЙЎЛИДА

Ишқ йўлида фидо айлаб жонинг мудом,
Ошиқ бўлиб, Ҳақ сўзларин тингла ҳар он,
Қуръон, ҳадис маъноларин англа чунон,
Мадад берар ҳар ишингда — Ҳақ меҳрибон.

Қуръон ўқиб, амал қилар бўлса инсон,
Ҳақ динига ҳар он қалбда бўлса имон,
Кўнгли юмшоқ, тили ширин бўлса ишон,
Билгил шунинг ўзи саодатга нишон.

Доно бўлсанг ҳикмат аҳлин иззат айла,
Сўзин тинглаб, олимларни ҳурмат айла,
Хурофоту таассубни бидъат англаб,
Амри-маъруф, наҳий мункар фурсат айла.

Нафсинг сени йўлдан уриб, хор айлағай,
Баланд қўлга термултириб, зор айлағай,
Имон кетиб, шайтон бирла ёр айлағай,
Шайтон доми сиртмоғини дор айлағай.

Эй, Ҳамидий, гафлатда гар умринг ўтса,
Ибодатсиз қўл-оёқдин қувват кетса,
Ҳақ сўзига амал қилмай, вақтинг ўтса,
Савол-жавоб Кунда ҳолинг нетар етса.

20.01.2012 йил.



БАХТЛИ БЎЛАЙЛИК

Ишон, эй ёр, сен қанча севсанг,
Менинг севгим ундан кам эмас,
Фақат, билгил, вафоли бўлсанг,
Менинг бахтим шундан кам эмас.

Соғинурман, сен билмайсан ёр,
Орзуимдир васлингга етмоқ,
Қўнглим гумон, доим интизор,
Севги боғин гулзорлар этмоқ .

Қанча сувлар оқиб ўтса ҳам,
Қанча олис ерда бўлсам ҳам,
Севгим билан яшаяпман мен,
Мени ёлғиз ташлаб кетсанг ҳам.

Қайда бўлсанг дейман «бўл омон»,
Қалбда ният доим сен томон,
Бўм-бўш қолган қуш уйи мисол,
Қалбим тўри билгин бўш ҳамон.

Содиқдирман вафоли ёрим,
Ниятимдир бирга бўлмоқлик,
Изҳор этай юракда борим,
Бахтли ҳаёт даврин сурмоқлик.

Ишон, эй ёр, сен қанча севсанг,
Менинг севгим ундан кам эмас,
Фақат, билгил, вафоли бўлсанг,
Менинг бахтим шундан кам эмас.

24.02.2012 йил



БАХТСИЗЛИК

Берганига қилмас қаноат,
Ақлу идрок ила фаросат,
Неъматига қилмас шукрона,
Имон ила этмас итоат.
Нақадар бахтсиздир, бахтсиздир инсон.

Кечиролмас ўзга хатосин,
Кўтаролмас ўзга жафосин,
Бу дунёнинг билмас ҳикматин,
Била олмас ўзга вафосин.
Нақадар бахтсиздир, бахтсиздир инсон.

Молу давлат тўплаш нияти,
Зийнатланиш мақсад, одати,
Мансаб дея яшаш ҳаёти,
Балоларга учраш қисмати.
Нақадар бахтсиздир, бахтсиздир инсон.

2.05.2011 йил

БИЛИНГКИ, ҚАРИЛИК КЕТА БОШЛАБДИ

Ҳар кимнинг сочларига оқ тушса гар,
Чиройли юзларига доғ тушса гар,
Ҳар кимнинг белидан қуввати кетиб,
Пешона, чаккасига ажин тушса гар,
Билингки, ҳаёти ўта бошлабди,
Билингки, қарилик кела бошлабди.

Ҳар кимнинг оёғидан мадор кетса гар,
Бақувват қўлларидан кучи кетса гар,
Кўзларидан нур кетиб, таёқ тутса гар,
Билингки, қарилик кела бошлабди.

Ҳар кимдан бир зумда хаёл кетса гар,
Гапу сўзларидан маъно кетса гар,

Адашиб қолса гар юрган йўлидан,
Билингки, қарилик кела бошлабди.

Ҳар кимдан хотира кета бошласа,
Ўқигани ёдидан чиқа бошласа,
Ҳозир айтган сўзин эслай олмаса,
Билингки, қарилик кела бошлабди.

Қарилик бир касал — давоси йўқдир,
Атрофдагиларнинг парвоси йўқдир,
Фақат Яратгандан соғлик сўраркан,
Ҳеч кимга шикоят даъвоси йўқдир.

Ҳеч кимга керакмас, бўлиб у фақир,
Фақат қариликка бўларкан асир,
Биларкан ҳаёти ўтаётганин,
Керакмас унга ҳеч қошона — қаср.

Туну кун кўзда ёш ибодат айлаб,
Руҳий қувватга у тўла бошласа,
Ҳаётда яшашдан мақсадни англаб,
Билинг бу дунёни англай бошласа,

Ҳаромни ҳалолдан фарқ қила олса,
Ёмонни яхшидан у ажра толса,
Имонин мустаҳкам эта бошлабди.
Қарилик орқага кета бошлабди,

30.05.2005 йил



БУ ДУНЁДА ҚОЛСИН ЯХШИ НОМ

Бу дунёда ҳеч ким абад яшолмас,
Абад яшайман, деб ҳеч ким айтолмас.

Молу мулк,бойлигу қурилган бино,
Олиб кетолмассан гўрга мутлақо.

Қолдириб кетилган мол-дунё охир,
Ворислар томондан бўлинар ахир.

Ҳар кунги яхшию эзгу амаллар,
Савоби кетарда ҳамроҳ саналар.

Кимки инсонларга айларкан эҳсон,
Анинг савобидан раҳматлар чунон.

Туну кун тинмайин Ҳаққа ибодат,
Берар экан икки Дунё саодат.

Ҳамидийдан қолмас бўлса яхши ном,
Ўтар бу дунёдан изсиз, бенишон.

Ушбуни мен дилдан айтдим ҳикоят,
Ҳақиқат мазмунин англарсиз шояд.

11.12.2011 йил



МАҚТАНЧОҚ БЎЛМА

Кимлар тинмай сохта обрў ахтаргайлар,
Кимлар ёлғон сўзга ошиқ, мақталгайлар,
Кимлар ўзга мақтовларга муштоқдирлар,
«Мен ундоғу мен бундоғ» деб мақтангайлар.

Давраларда мақтовларин эшитсалар,
Қулоқларга ёлғон илиб, етишсалар,
Хижолатга тушиб қолса ҳамки, ажаб,
Хушомадлар сархушига тўйишмаслар.

Эй, Ҳамидий, манманликдан бутунлай кеч,
Мўмин киши мақтовларга учмагай ҳеч,
Атрофингда кимлар мақтаб турса ҳамки,
Чин кўнгилдан бўл меҳрибон, мақтанма ҳеч.

25.2011 йил.

ЎЗГАЧА

Ўғли борнинг тоғи бордир ўзгача,
Ўғли борнинг боғи бордир ўзгача,
Аллоҳ берган ўғил бўлур ўзгача,
Ўғли борда қанот бордир ўзгача.

Қизи борнинг нози бордир ўзгача,
Қизи борнинг моли бордир ўзгача,
Қизи борнинг бахти бордир ўзгача,
Қизи борнинг сози бордир ўзгача.

Фарзандсизлик азоб берар ўзгача,
Фарзандсизлик алам берар ўзгача,
Яратгандан фарзанд сўра бўлакча,
Фарзанд берур, Ҳақ меҳрибон ўзгача.

12.09.2005 йил

ИНСОФ БЕРСИН

Ўзга ёрда бахтин кўрмоқчи бўлиб,
Йигитлик гаштини сурмоқчи бўлиб,
Оила, фарзандин унутиб эй, воҳ,
Оталик меҳрини кимга бермоқчи?

Нега меҳр-оқибат ундан кетмоқда,
Нега топганлари зое кетмоқда,
Соғлиғин борини кимларга бериб,
Ўргимчак домига тушиб кетмоқда.

Кўзларидан меҳр нури сўнмоқда,
Сўзларида сеҳр кучи ўлмоқда,
Фарзандларин тирик етим қилиб у,
Болалик бахтларин ерга кўймоқда.

Маза қилиб, кайфу сафо қилмоқда,
Ўзга аёлларга вафо қилмоқда,
Хато қилганига фаҳми етмасдан,
Ўз жонига ўзи жафо қилмоқда.

Аллоҳим, инсоф бер, инсоф бер унга,
Фарзандларин тирик етим қилмоқда,
Тушар бўлса агар шайтон домига,
Ундан чиқмоқ ишин осон билмоқда.

21.07.2005 йил



МУНОЖОТ

*(Улуғ айём кунлари вафот этган мархума
Ҳалима Ҳожионамизга)*

Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ,
Яна зикринг тилимда,
Муҳаббатим дилимда,
Қўлга Қуръон олайин,
Сенга шукр қилайин,
Ҳар неъматинг билайин,
Қалбда имон тўлайин,
Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ.

Бу кунлар кўрганлар бор,
Бу дамлар сурганлар бор,
Бахт шу деб ўтганлар бор,
Сабр ила кутганлар бор,
Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ.

Имондан этма жудо,
Пок қалблар бўлсин фидо,
Ҳамдлар бўлмасин адо,
Яратган Ўзинг, якдо,
Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ.

Қуръондир дил ичра нур,
Қалбларга берур ҳузур,
Ахир бу —бахт, бу сурур,
Бердингку ақл, шуур.
Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ.

Этгил бизни мағфират,
Жойимиз этиб жаннат,
Топайин деб шафоат,
Туну кун сўрар уммат.
Шукр Сенга ё Аллоҳ,
Доим Алаҳамдулиллоҳ.

Инсонни улуғ қилган,
Бандасин суюк билган,
Еб-ичинглар деб берган,
Ризқимизни мўл қилган.
Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ.

Ўқиса гар ким Куръон,
Унинг йўли фаровон,
Дилни пок этиб ҳар он,
Савоблар олур чунон.
Шукр Сенга, ё Аллоҳ,
Доим Алҳамдулиллоҳ.

Сўзи ширин асал, қанд,
Имонли бўл, эй фарзанд,
Тақвода бўлгил ҳарчанд,
Насиҳатим ол арзанд.
Ҳамдлар бўлсин Илоҳга,
Шукр айла Аллоҳга.

Кўзимнинг қаросисан,
Оғир кун яроғимсан,
Бу дунё чароғимсан,
Ҳаёт гулизоримсан .
Ҳамдлар бўлсин Илоҳга,
Шукр айла Аллоҳга.

Ҳожиона берар жон
Насиҳат этди шу он:
Эй, Ҳамидий, бил мудом,
Дилни пок қил ҳар замон,
Ўқиса гар ким Қуръон,
Унинг йўли фаровон,
Шукр айлагин ҳар он,
Савоб олурсан чунон.

11.08.2010 йил

НЕГА БОҚМАССАН

Ўзгаларга кулиб боқдинг, менга боқмассан,
Юрагимда ўтлар ёқдинг, меҳринг ёқмассан,
Туйғуларим, ҳисларимни қалбан сезмассан.
Хаёлимда фақат сенсан, нега билмассан.

Сени дея кўзларимга уйқу келмайди,
Сени дея сўзларимга туйғу инмайди,
Мени қийнаб, минг азоблаш кўнглинг хушлайди,
Чеккан азоблардан кўксим юрак муштлайди.

Соғинаман, юракда дард васлингни кўзлаб,
Туну кунлар зор бўзлайман нигоҳинг излаб,
Хаёлларда, орзуларда сени сўроқлаб,
Ҳатто билмай босиб ўтган изларинг истаб.

Ҳамидийнинг севишини муқаддас билгил,
Муҳаббатин асрамоққа қалб қўрин бергил,
Менга озор бермакликни хушламас бўлсанг,
Ишқ ғунчаси сўлишида бахтсизлик билгил.

12.08.2011 йил.



ОШИҚЛАРГА ОСОНМАС

Қалбларда ошиқлик борлигин билинг,
Хислатлар яхшиси — орлигин билинг,
Севги ҳам меҳрга зорлигин билинг,
Меҳрсиз кўнгиллар хорлигин билинг.
Ошиқларга осон дея ўйламанг.

Ошиқлар ичида бахтлисин билинг,
Бойликлар ичида тахтлисин билинг,
Дилдаги энг юксак аҳдлисин билинг,
Ҳикматлар ичида нақдлисин билинг.
Ошиқларга осон дея ўйламанг.

Кўрликнинг ёмони қалб кўрлик, билинг,
Қўлларнинг ёмони паст қўллик, билинг,
Ҳийладан урилган даст-хўрлик билинг,
Ҳикматни англамас энг ғўрлик билинг.
Ошиқларга осон дея ўйламанг.

Сўзларнинг яхшиси борлигин билинг.
Кўнгилга гўзаллик ёрлигин билинг,
Ошиқ ёр кўзлари зорлигин билинг,
Ёрининг васлида хорлигин билинг.
Ошиқларга осон дея ўйламанг.

Ҳамидий, гапларнинг тўғрисин билинг,
Шарафли сўзларнинг йўғрисин билинг,
Шеърлардан рост сўзлар ўғрисин билинг,
Ошиқдир ҳар сўзга йўғрисин, билинг.
Ошиқларга осон дея ўйламанг.

12.03.2012 йил



ПАНДУ НАСИХАТ

(«Қобуснома»ни ўқиб)

Ўзни доно билган нодон дўст бўлмас,
Парҳез айла, уст-бошингга пўст бўлмас.
Дўстим деб сирларинг ошкора қилма,
Нодонга дўст бўлган роҳатда бўлмас.

Кишида билими бўлса ҳам чандон,
Шунга мос ақли ҳам бўлмаса чунон,
Халқига фойдаси тегмаса, ишон,
Бу билим зарардир кишига ҳар он.

Кишига турмуш деб аталмиш «устоз»
Ўргатолмас бўлса донолик бир оз,
Ҳеч олим беролмас унга билим соз,
Бирор сўз ўргатмоқ бекордир устоз.

Ҳамидий, тинч-ғамсиз умр тиласанг,
Бахтингдир ҳасадсиз умр яшасанг,
Ҳаётда баобрў бўлайин десанг,
Етарсан мақсадга яхшилик қилсанг.

14.03.2012 йил.



МЕВАЛИ ДАРАХТ

Эшигим олдида бир ўрик дарахт,
Серҳосил мевали,насибамиз тахт,
Шохлари ҳар томон ўсар баҳайбат,
Шакардек ҳосили танларга сиҳат.

Азалдан халқимиз айтар гапи бор:
«Мевали дарахтга тош отмоғи бор»,
Дарахтга аёвсиз тошларин отар,
Меваси уволдир, нафсин қули ёр.

Нафсини тиёлмай, хоҳиш этганлар,
Тош отар болалар, ўтган-кетганлар,
Ҳосил тугагунча шу давом этар,
Шохларин синдирар, бадном этарлар.

Лек билмам не учун одамлар аро,
Ғийбатлар, бўҳтонлар — ниятлар қаро,
Бир-бирин аямас, ҳасадлар ато,
Тош отиб, қалбларин этурлар яро.

Эй, Ҳамидий, қалбинг ёритсин зиё,
Ҳасадни йироқ қил, муҳаббат — ошно,
Умрингни камтарлик ила ўтказсанг,
Ниятинг яхшилик бўлсин доимо.

10.03.2012 йил



ХИДОЯТ СЎРАЙМАН

Аллоҳимдан ҳидоят, тақвони мен сўрайман,
Қулоғим, қўлим, кўзим ҳалоллигин сўрайман,
Покиза умрнию, ўртаҳолда вафотни,
Тақво билан доимо омонликни сўрайман,
Ҳаётимни мукаррам этмоғини сўрайман,
Хотиржам, гўзал умр кўрмоқликни сўрайман

Яхши хулқ, одобни мен Аллоҳимдан сўрайман,
Фатонат, диёнатни, ғайратни мен сўрайман,
Сўрайман шижоатни, қаноатни, илмни,
Ҳаққоният, ҳилмни, сабр-тоқат сўрайман.

Очкўзликдан, хорликдан сақлашликни сўрайман,
Дангасалик, зорликдан асрашликни сўрайман,
Хафаликка, ғамликка солмасликни сўрайман,
Фақирликда, куфрда қолмасликни сўрайман.

Шайтонилаъин домига солмасликни сўрайман,
Ёвлар кулгусига мен қолмасликни сўрайман,
Ўз нафсимга ўзим қул бўлмасликни сўрайман,
Гуноҳларим мағфират этмоғини сўрайман.

Аллоҳимдан мен афв этмоқлигин сўрайман,
Имонимда мустаҳкам этмоқлигин сўрайман,
Ҳаётимни мукаррам этмоқлигин сўрайман,
Хотиржам, гўзал умр кўрмоқлигим сўрайман.
«Ҳақдан бошқа илоҳ йўқ» деб, ширкка кетмасдан,
Мўмин бўлган ҳолатда кетмоқлигим сўрайман.

19.03.2006 йил



ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

Хиёнатдан қўрқмаганлар хароб бўлгай,
Бахтли умр кўрмоқлари сароб бўлгай,
Печак гулин ҳаётини мисол билгил,
Умр зое, гул очилмас — ҳалок бўлгай.

Хиёнатдан қўрқмас киши ёд айласин,
Мушибатлар таъқибидан дод айласин,
Дини билан имонини байроқ қилган,
Хиёнатни ўздан йироқ, ёт айласин.

Имонингни сақламоқни билгил мақсад,
Икки дунё ҳаётинг бахт билгил абад,
Хиёнату ёлғонлардан озод бўлсанг,
Қалбинг поклик ўзга қалбга билгил мадад.

Эй, Ҳамидий, мўмин бўлсанг билгил, албат,
Хиёнату ёлғон сўзлар қилма одат,
Юз ўгирар сендан ахир бахт-саодат,
Мушибатлар кутар сени чексиз адад.

9.10.2011 йил



МЕН СЕВАРМАН

Мен севарман, Аллоҳим, ҳаёт бердинг жонимга,
Бир умр оқаётган томиримда қонимга,
Қуёш сочар ўз нурин меҳр ила боримга,
Мўмин бўлиб туғилдим, шукр этай ҳолимга.

Мен севарман, Аллоҳим, қалбга бердинг имоним,
Бу севгидан топсайдим шарофатинг ҳар оним,
Берар бўлсанг бахт менга икки дунё саодат,
Муҳаммад (с.а.в.) шафоатин топсам гар шудир зорим.

Мен севарман, Аллоҳим, забон бердинг тилимга,
Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисину Қуръон бердинг қўлимга,
Тинмай ибодатдамен агар мутолаа қилсам,
Манзилим этар аниқ, куч-қувватдир ўзимга.

Мен севарман, Аллоҳим, ҳаё бергил боримга,
Имон айла мустаҳкам, бир умрга ёримга,
Илм олмоқни фарз айлаб, обиҳаёт зоримга,
Тўлин ойдек нур сочсин дил қоронғу ҳолимга.

Мен, Ҳамидий, севарман, ҳаётнинг гўзаллигин,
Уни бир синов англаб, шукр-ла афзаллигин,
Ҳар фурсат ганимат, деб, халқимга фарзандлигим,
Имонни комил этган бу тақдир - азаллигин.

28.09.2011 йил



КИМ ВА КИМ УЧУН?

Чексиз осмон, Куёш, Ер, юлдузга боқ,
Эрта тонг, гўзал оқшом, кундузга боқ.
Бир дам кўзинг юмгил, чўмгил хаёлга,
Жавоб изла, шошмай, ушбу саволга :

Бу чексиз Оламни ким этди барпо,
Ким учун ва қачон, ким этди бажо?
Ушбу неъмат барчаси инсонларга,
Ушбу заминдаги тирик жонларга.

Олам Султонига ҳайратда лолман,
Бу фоний дунёда таъзимда долман,
Ҳаётим синовда, имонда борман,
Яшашни бахт билиб, чин дилдан ёрман!

Ҳамидий, сабр эт, тафаккур қилгин,
Ҳаётинг бир инъом, синов деб билгин,
Шукр эт, тинч ўтган ҳар бир онингга.
Уминг ҳам гўзал бир имкон деб билгин.

2.11.2011 йил



ЯХШИЛИК ҚИЛМОҚ ЯХШИДИР

Яхшиликни чин дилдан қилмоқ яхшидир,
Ёмонлик тубанликдир, билмоқ яхшидир.
Умринг бахту саодат этмоқ истасанг,
Имонинг пок, мустаҳкам қилмоқ яхшидир.

Фикринг жамламоқ ила сўзлаш яхшидир,
Яхши сўз танлаб айтмоқ кўзлаш яхшидир,
Сукут сақлаб, ҳикматли сўз айтмоқ ила,
Ақлга қувват бермоқ кўзлаш яхшидир.

Асли, ҳикмат асоси фикрат яхшидир,
Имон ила покликда иффат яхшидир,
Нафсин тийиб яшамоқ — сабру қаноат,
Ҳусну хулқу одобда ибрат яшидир.

Эй, Ҳамидий, ушбу тўрт хислат яхшидир,
Кимда улар мужассам ҳар вақт яхшидир,
Яхшиликни чин дилдан қилмоқ яхшидир,
Ёмонликни тубанлик билмоқ яхшидир.

4.11.2011 йил

ЯХШИДИР

Меҳру шафқатсиз ўғилдан ёт яхшидир,
Пойгадаги учқур тулпор — от яхшидир,
Оқибатсиз дўст, вафосиз ёр бўлса гар,
Бундай ҳаёт кечмагани бот яхшидир.

Тоблаб фикр, айтмоқ доно сўз яхшидир,
Нурли нигоҳ, самимий-ла кўз яхшидир,
Тама ила тўшак бўлса момикдайин,
Дағал бўлган беминнатли бўз яхшидир.

Чўлда намак кўлдан қорли тоғ яхшидир,
Мевасиздан гул тиканли боғ яхшидир,
Имон ила поклик умрин чоғ этолса,
Хулқи одоб-ла ҳаёти соғ, яхшидир.

Ҳамидийга айтмоқ сўзлар кўп яхшидир,
Яхшилиқни дилдан қилмоқ хўп яхшидир,
Тортар домига аёвсиз нафс балоси,
Курашмоққа тайёр бўлмоқ кўп яхшидир.

5.11.2011 йил

БИЛГИН

Дам ўтса кунингдан бир фурсат билгин,
Кун ўтса бу фурсат ғанимат билгин,
Жўш уриб дарёдек кўп ғайрат қилсанг,
Яратган меҳридан бу ҳиммат билгин.

Мурувват-виждондан, садоқат билгин,
Муҳаббат ила қалб, саховат билгин,
Шафқатда, афвда — адолат қилсанг,
Пок ният, имонинг саломат билгин.

Илму маърифатсиз — жаҳолат, билгин,
Имонсиз мунофиқ — разолат, билгин,
Сабрла шукрона, қаноат қилсанг,
Итоат қилмоқда шафоат, билгин.

Ҳамидий, инсонлар хислатин билгин,
Ҳар ерда, даврада ҳурматин билгин,
Қалб билан имонда эътиқод қилсанг,
Адолат - ижрода, амалин билгин.

7.11.2011 йил.



ҲИКМАТЛАР

Кимки ўз ғазабу жаҳлин қайтарур,
Аллоҳ ундан Ўз азобин қайтарур.
Кимки тилин тийса ғийбат қилмоқдин,
Йироқ бўлар ўз айбин фош бўлмоқдин.

Кимки ўзга оилаларда агар,
Сабабчи бўлурса жанжал — низога,
Кўплаб азобларга дучор бундайлар,
Шу сабаб ҳеч олмас Аллоҳ ризога.

10.04.2012 йил

* * *

Одамзод бир бадан бўлса,
Ҳиммат унинг жонидир,
Одамзод дарахт бўлса,
Мева унинг хулқидир.

* * *

Саховатсиз киши ким деб сўрурсиз,
Ҳиди йўқ бир мушк — анбар билурсиз,
Баҳорий ёмғирсиз булут кабидир,
Мевасиз дарахтдир, садаф — гавҳарсиз.

* * *

Одамзоднинг кўнгил чоғи гўзалдир,
Эҳсон деб аталмиш боғи гўзалдир,
Феъл-атвор, хулқи — одоб бобида,
Бойлик гавҳари — эҳсони гўзалдир.

* * *

Олувчи паст қўлдан - берувчи яхши,
Озига кифоя қилувчи яхши.

* * *

Ўлимнинг яхшиси — шаҳид ўлими,
Ушламоқ яхшидир дўстнинг қўлини.
Бойликнинг яхшиси — нафс тўқлиги,
Энг ёмон кўрлик — бу қалбнинг кўрлиги.

* * *

Судхўрлик касбларнинг энг ёмонидир.
Ёмон аёл шайтоннинг тузоғидир.

* * *

Ёшлик ҳам жинниликнинг бир қисмидир,
Ҳаром емак кемиран тан-жисмидир.

* * *

Ким дўст тутса нафсини агар,
Дўст деб билмас Аллоҳни дигар.

* * *

Яхшилик биландир инсон камоли,
Уни қилишдандир инсон жамоли.

* * *

Яхши сўз айтибон, олинглар кўнгул,
Қалб кўзин очмоқлик имкондир бугун,
Эртага келса гар ажал элчиси,
Тилингга боғланур гўё бир тугун.

* * *

Умримиз ўтмоқда, бахт-иқболдир ёр,
Атрофда фарзандлар, меҳрибондир бор,
Яшасак сабрда — имон ҳукмдор,
Шундандир шукрона ишонч мададкор.

* * *

Нафс жиловин кимда ким,
Торта олса харомдин,
Ютуқ мисол жиҳодда,
Мардликда ўтар олдин.

* * *

Кўлмак сув, билгилки, тез айнир — ёмон,
Оқар сув беғубор, зилол ҳар томон,
Мақсадга етмоқ-чун қатъият чунон,
Зарурдир инсонга, шундандир омон.

* * *

Мақсадга етишмоқ донолар хуши,
Ахтариб, йўл топар ақлли киши,
Умид-ла янгилик яратар бўлса,
Беҳуда сарф эмас истеъдод иши.

* * *

Давр-ла ҳамнафас яшаш ўйлагил,
Билимдон бўлсанг ҳам танлаб, сўзлагил,
Йиллар ўтиб борар, урфлар ўзгарар,
Замона зайлига ўзни мослагил.

* * *

Оммадан ажраган билагонликдан
Кўпчилик-ла аҳмоқ бўлган афзалроқ..

* * *

Кимга қилсанг холис яхшилик,
Шафақ каби йўқ бўлмагай бил,
Қайтур барча қилган яхшилик,
Кўзгуда акс этар нурдай бил.

* * *

Халқимиз тилида бир масал бордир :
«Баджаҳл қўлида асал заҳардир»,
Сўзласа илондек заҳрин сочадир,
Суҳбатидан доно зумдан қочадир,

* * *

Зиқна киши яхна сувин берса, кеч,
Беминнат оқар сувдан лек кечма ҳеч.

* * *

Ўз камолинг истасанг,
Берма озор жонзотга,
Ширин жон ато этган,
Ҳақ меҳрибон жонзотга.

20.08.2011 йил.

БИР ФИРИБГАР ҲАҚИДА

(Мавлоно Жалолiddин Румийга тақлид)

Бир киши қўчқор етаклаб бозордан,
Уйга хурсанд қайтарди азондан.

Йўлда кўрди бир кишин қудуқ бошида,
Қайғуси ошкор эди — кўзи ёшда.

Бу йўловчи « Не бўлди?» деб сўрди ҳол,
Ёрдам бермоқ ниятида кўриб ҳол.

«Шу қудуққа тушди юз тилло ҳамён,
Ололмайин, аламимдан мен ҳайрон.

Ёрдам бериб, чиқсанг олиб сен зумдан,
Бергум эваз 30 танга тиллодан.

Ушбу ҳамён шу қудуққа, туш-да, ол»,
Дея киши йўловчини қилди лол.

Бу таклифни ўйлаб қолди йўловчи,
Фикр айлаб, ўз кўнглида ҳисобчи:

«Ўттиз тилло агар олсам шу дамда,
Ўнта қўйни сотиб олгум, чамамда»,

Шу заҳоти тўнин ечиб, даъфатан,
Тушди қудуқ тубига у шод, хуррам.

Қайдан билсин бу йўловчи бечора,
Ўғри чиқди янги таниш, на чора.

Етаклади қўчқорни ўғри шу дам,
Қўлга олиб йўловчининг тўнин ҳам.

Икки қўл бўш чиқди киши қудуқдан,
Тилло ҳамён топа олмай — қуруқдан.

Қудуқ, атроф, бўм-бўш ўнгу сўли ҳам,
Кўрса йўқдир қўчқорию тўни ҳам!

Банда билмас ўзга банда макрини,
Фақат Аллоҳ билгай банда аслини.

Берганига шукр этгил эй, инсон,
Нафсинг тийсанг, сабрингдадир бахт, инон.

11.10.2011 йил

БИР ЛАГАНБАРДОР ҲАҚИДА

Лаганбардор бир кун ишга сахарлаб,
Кетар эди ўғли билан авайлаб,
Йўл устида — бой саройи олдилаб,
Тўхтаб қолиб, сажда қилди аланглаб.

Бунни кўрган ўғил эса кўп ҳайрон,
Отасига савол берди у шу он:
«Айтардингиз сажда томон Каъба деб,
Қилсанг сажда фақат Ҳаққа қилгин» деб.

Нечук энди бўйин букиб, этиб дол,
Бой саройга юзланмоқсиз, қолдим лол.
Наҳот энди сажда томон ўзгарган,
Каъба қолиб, бой саройга йўналган».

«Шундай деган бўлсам, албат, тўғридир,
Мусулмонга Каъба сажда йўлидир,
Гуноҳкорман, унутибман Ҳақ сўзни,
Нафс домига шайтон торгди ўзимни»,
Дея ота ўз қилмишин оқлабди,
Фарзанд сўзин ўз кўнглида ёқлабди.

Лаганбардор киши қадди доим дол,
Нафс домига тушгач одам шудир ҳол.
Яратганга ширк келтирмак кўп гуноҳ,
Ибодатни билиб қилгил, бўл огоҳ.

23.11 2011 йил

КИПРИКНИНГ БИР ТОМЧИ ЙИҒИСИ

«Рақоиқул— Ахбор» — «Заиф хабарлар»
Номли бир китобда бордир хабарлар:

«Маҳшаргоҳ» майдонда, Қиёмат Кунда,
Савобу гуноҳлар ҳисоби шунда,
Бир киши амалин тарозга солса,
Гуноҳлар оғирроқ бўлибди унда.

Унга жазо шунда биттадир, албат,
Жаҳаннам ўтида ёнмоқ ҳақиқат.

Шунда одам кипригин бир толаси,
Сўзга кириб, дебди айтиб ноласин:
— Эй, Раббим, Расулинг Муҳаммад (с.а.в.) бизга
Қолдирган бу ҳадис тушди ёдимга :
«Қўрқиб Яратгандан кимки йиғласа,
Ушбу кўзни, Аллоҳ, йиғиси учун
Ҳаром қилур жаҳаннам оташига».

Шу ҳаёт ҳадисин ёдда сақладим,
Дунёда Раббимдан қўрқиб йиғладим,
Соҳибим хизматин авайлаб сақлаб,
Туну кун ибодат айлаб яшадим.

Шунда раҳми келиб, Меҳрибон Аллоҳ,
(Барча ҳамду сано Унгадир, Иллоҳ,)
Ушбу кўз соҳибин афв айлабди,
Дўзах азобларин даф айлабди.

Ҳамидий умри ҳам ўтди гуноҳли,
Аллоҳнинг ишқида кўзлари ёшли,
Кўзларида ёшу қалбида Аллоҳ,
Мағфират айласа, нияти асли.

26.09.2011 йил.

ЎХШАЙДИКУ

Ҳалол меҳнат қилмоқ билмай,
Тунлар бедордир ухламай,
Ўлжасин излабон юргай,
Изғиб қайси кўча, билмай,
Фурсатни ҳеч қўлдан бермай,
Бир зумда ушлабон ютгай,
Қасам ичиб ёлғон айтгай,
У бир аждарга ўхшайди.

Худбинлик-ла кайфу сафо,
Хасислик-ла кибру ҳаво,
Ҳаром ебон яшар хато,
Ёмон иллатларга ошно,
Нафси бузуқ, шаҳвоний гоҳ,
Истаклари унга ҳамро,
Ҳақиқатдан бўлиб йироқ,
Ғафлат босганга ўхшайди.

Кўрмагансиз бундаин ҳам
Сўзда турмас номардларни,
Шунчалик бебурду ҳам
Қалбин босган чирк-гардларни.
Ўлжасини пойлаб турар,
— Мижози тулки зотларни,
Аслини сўрсанг — текинхўр,
Тамагирга ўхшайдику.

Эй, Ҳамидий, бу беадаб,
Бедавога ўхшайдику,
Туллакланур тулки мижоз,
Беҳаёга ўхшайдику.
Тополмайсиз ҳеч бундаин,
Безбетликнинг мисолини,
Шармҳаё йўқ, беҳижолат,
Бевафога ўхшайдику.

10.10.2010 йил

ҚАЛБ ГУЛШАНИ

Илм-маърифат гулшан аро бор айлағай,
Хулқи-одоб бўстониға ёр айлағай,
Қалбда инсон моҳияти илоҳийдир,
Хислатлари манбасин дастёр айлағай.

Қалб гулшани инсонийлик зийнатидир,
Яратганнинг меҳр тўла ҳимматидир,
Висолиға етмоқ уммат ниятидир,
Тақдирни бил, Унинг берган неъматидир.

Гулнинг ҳиди гулистондан далолатдир,
Ушбу исдан баҳрамандлик адолатдир,
Қалб кўзи кўр бўлса, билгил, залолатдир,
Илм-маърифат англамаслик жаҳолатдир.

Эй, Ҳамидий, қалб — мўъжиза оламидир,
Инсонийлик зийнатларин тўпламидир,
Барча тадбир тафаккур-ла амалидир,
Ато этган нафсин кўйи оламидир.

3.11.2011 йил



АЙТИНГ

Одамлар яхшиси қандайдир, айтинг,
Ёрдамлар яхшиси қандайдир, айтинг,
Қадамлар яхшисин қўяр бўлсангиз,
Ҳаётнинг яхшиси қандайдир, айтинг.

Тилажак бахт нима қандайдир, айтинг,
Кўражак бахт нима қандайдир, айтинг,
Чин дилдан пок ният қилар бўлсангиз,
Ҳикматлар яхшиси қандайдир, айтинг.

Кўлларнинг яхшиси қайсидир, айтинг,
Йўлларнинг яхшиси қайсидир, айтинг,
Зўрларнинг яхшисин билар бўлсангиз,
Қўлларнинг яхшиси қандайдир айтинг .

Хўрликни кўрсангиз қандайдир, айтинг,
Зўрликни кўрсангиз қандайдир, айтинг,
Гўрликни нелигин билар бўлсангиз,
Жўрликнинг яхшиси қандайдир, айтинг.

Кўзларнинг яхшиси қандайдир, айтинг,
Бўзларнинг яхшиси қандайдир, айтинг,
Ҳамидий дардини билар бўлсангиз,
Сўзларнинг яхшиси қандайдир, айтинг.

19.03.2012 йил.



«БОСМАЧИЛАР»

Олмослардан ўткир бўлган шамшир қани,
Тутун бўлиб учиб кетган тақдир қани,
Миниб юрган садоқатли қашқир қани,
Мозорингиз қайдан излай, «босмачилар».

Қўрғошинга қалқон бўлган кўкрак қани,
Қонга ботган оқ пахтадан ятак қани,
Ҳамма каби ўлмадингиз, жасад қани,
Мозорингиз қайдан излай, «босмачилар».

Уйингизда ҳамон кутар онангиз ҳам,
Севгисига тўймай қолган ёрингиз ҳам,
Эрта саҳар хайрлашган дўстингиз ҳам,
Мозорингиз қайдан излар, «босмачилар».

Сизни бўйлаб, ҳайкалингиз қуймоқ бўлдим,
Пойингизга гулчамбарлар қуймоқ бўлдим,
Хотирингиз олдида тиз чўкмоқ бўлдим,
Мозорингиз қайдан излай, «босмачилар».

28.05.2005 йил.

БИРГА БАХТЛИ БЎЛАЙЛИК

Боғларимга гуллар экдим, ёр келмадинг,
Ҳижрон ўти қалбим ёкди, ёр билмадинг.

Соғинурман, ахтарурман, кўзим гирён,
Мен интизор йўлларингда, кўнглим гумон.

Айтчи кимлар севгимизга раҳна солиб,
Ажратолди иккимизни, шунда ғолиб.

Орзуимдир висолингга етишмоқлик,
Севги боғин гулзориға эришмоқлик.

Вафоли ёр, содиқдирман севгимизга,
Изҳор этай ишқ дардимни айтчи кимга.

Мен, Ҳамидий, ниятим бор бирга бўлмоқ,
Бир умрга бахтли ҳаёт даврон сурмоқ..

14.01.2012 йил.

СИНГИЛЖОНИМ ЭСЛАТАР ОНАЖОНИМНИ

Сингилжоним, сени кўриш истайман,
Ҳар кўрганда кўнгил тўйиш истайман,
Фарзандга жон-фидо кўриш истайман,
Онажоним эслатар кўзларинг сени,
Онажоним эслатар сўзларинг сени.

Онажоним эслатар юришларинг ҳам,
Онажоним эслатар кулишларинг ҳам,
Оҳиста салом айтиб, суйишларинг ҳам,
Онажоним эслатар тоғ кўнглинг сени,
Онажоним эслатар боғ уйинг сени.

Онажоним эслатар сахийлигинг ҳам,
Қариндош-уруғга аҳиллигинг ҳам,
Ҳаммага меҳрибон, яқинлигинг ҳам,
Онажоним эслатар кўзларинг сени,
Онажоним эслатар сўзларинг сени.

Аллоҳга шукрки, ҳикматлари кўп,
Қалбларда қувончу, хислатлари кўп,
Сенда онамизнинг иззатлари кўп,
Онажоним эслатар кўзларинг сени,
Онажоним эслатар сўзларинг сени.

30.01.2012 йил.

ЭЙ, ДҮСТЛАРИМ, БИР ГАПЛАШАЙЛИК !

Бахтга тўлган ёшлик давримиз,
Пок кўнгилдан севги аҳдимиз,
Минг бир қувноқ шодлик аҳдимиз,
Ўтган онлар ардоқ шаҳдимиз,
Эй, дўстларим, бир эслашайлик,
Давра қуриб, бир гаплашайлик.

Илм боғларин сайр айлаганни,
Бу боғлардан баҳра олганни,
Сахийликда тенгги йўқ бўлган,
Устоз билим хайр айлаганни,
Эй, дўстларим, бир эслашайлик,
Чин кўнгилдан бир сўзлашайлик.

Қани, келинг, давра қурайлик,
Ажиб дамлар гаштин сурайлик,
Ўтган гўзал онлар эслабон,
Бахтли дамлар бирга тилайлик.
Чин кўнгилдан бир дардлашайлик,
Дўст-улфатлар, бир гаплашайлик.

Талабалик олтин даврлар,
Илму фанда юксак одимлар,
Забт айламак кўзлаган дамлар,
Орзулар ҳам ушалган онлар.
Дўст-улфатлар, бир дардлашайлик,
Ёшлик даврин бир эслашайлик.

Ҳамидийда яхши сўз айтмоқ,
Ишқ боғида ният айламоқ,
Ҳалол меҳнат ила имонда,
Дўст - улфатлар ила яйрамоқ..
Ҳаёт ширин ташвишга тўла,
Қувончларга тўлиб, яшамоқ,
Дўст-улфатлар, бир гаплашайлик,
Бахтли дамлар бир тилашайлик.

4.01.2012 йил.

СЕВГИ МАДҲИ

(Алишер Файзни тинглаб)

Бағрим ёнар ишқим тафтидан,
Кўнгил куйлар бу ишқ мадҳидан,
Ишқимиз чин севги дастидан,
Қувват олар ёр ишқ васлидан.

Сочларини ораста тараб,
Йўлларимга интизор қараб,
Кўнглим тоғдек кўтарур ҳар вақт,
Кўрган чоғи табассум айлаб.

Вафоли ёр бор меҳри билан,
Чин юракдан ёр сеҳри билан,
Бир умрга бахтли бўлмоқдан,
Ошиқ айлар бор сеҳри билан.

Чин ошиқлар ҳеч ҳам ўлмасин,
Севги гули ҳеч ҳам сўлмасин,
Меҳри дарё доимо бўлсин,
Севишганлар ҳеч кам бўлмасин.

30.03.2012 йил.



АССАЛОМ, ЭЙ ЁРИМ

Ассалом алайкум, ассалом,
эй қаро кўзлигим,
Ассалом-алайкум, ассалом,
ёр аъло сўзлигим,


Кулайлик, ўйнайлик,
Бахтимиз кўлайлик,
Сен буюк осмоним,
Биз бирга қувнайлик.

Ҳаётда аҳдим бор,
Сен ила бахтим бор,
Бўл содиқ вафодор,
Олтиндек тахтим бор.

Ёр-ёрей, ёр-ёр-ей,
Войдод-ей, войдод-ей,

Ассалом алайкум, ассалом,
Эй қаро кўзлигим,
Ассалом-алайкум, ассалом,
Ёр аъло сўзлигим,

22.02.2012 йил



КАМОНИМ – СОЗИМ МЕНИНГ

*(Моҳир созанда ва бастакор
Абдуҳошим Исмоиловга)*

Ёшлигим суюб, қўлга камон тутқазди,
Шайдолик савдосидан мени қутқазди,
Яхши ният-ла отам дуолар қилиб,
Созга бўлган муҳаббатим дилга ўтқазди.
Вафоли дўсту ёрим, ҳам созим менинг,
Қадрдоним-дилторим, камоним менинг.

Бошланган асли шундан дўстлик риштаси,
Дунё кезар, ажралмас – куй фариштаси,
Меҳрим ила ардоқда, кўксим тафтида,
Гўзал наво таралар – ишқ нашидаси.
Вафоли дўсту ёрим, ҳам созим менинг,
Қадрдоним-дилторим, камоним менинг.

Бир умрга ҳамдардим дўст-ёр айлади,
Қўлга созим олмасам гар, зор айлади,
Гўзал куй, қўшиқларда ноласидир зўр,
Ҳаётимиз нурафшон, ҳам боғ айлади.
Вафоли дўсту ёрим, ҳам созим менинг,
Қадрдоним-дилторим, камоним менинг.

Мен, Ҳамидий, оҳангидан ҳол олганман,
Тинглаб, гўзал куйларидан лол қолганман,
Бир умрга соз сеҳри саҳийлик ила,
Ҳузур берар, танларга жон, бол олганман.
Вафоли дўсту ёрим, ҳам созим менинг,
Қадрдоним-дилторим, камоним менинг.

3.08.2011 йил

НАМАНГАН БУЛБУЛИ

(Хушовоз хонанда укамиз Исоқжон Жўрахоновга)

Устоз Камолиддин созин олгансиз,
«Наманган булбули» номин олгансиз,
Санъатга содиқ-ла хизмат айлабон,
Устознинг суюкли торин олгансиз.

Ниятим севимли ёр ила бўлинг,
Санъат боғларида тор ила бўлинг,
Мухлису фарзандлар ҳурматин кўриб,
Шогирдлар кўплиги бор ила бўлинг.

Ҳамидий йўллайди тилаклар Сизга,
Чин дилдан самимий истаклар Сизга,
Қалбларда жўш урсин гўзал орзулар,
Бахт-саодат, соғлиқ - ниятлар Сизга.

5.01.2012 йил.



ДУТОРИМ – БОРИМ МЕНИНГ

(Таниқли устоз-созанда Мирсодиқ Эргашевга бағишлов)

Халқим дутор куйларин хушҳол олгандир,
Тинглаб гўзал оҳангларин лол қолгандир,
Мирсодиқ устоз чертган соз навосидан,
Ҳаётимиз ширин бўлиб, бол олгандир.

Ёшликдан севиб қўлга дутор олгансиз,
Шайдо этиб, гўзал куйлар дилга солгансиз,
Созга бўлган муҳаббатдин кўнгил чароғон,
Вафоли дўсту ёрга содиқ қолгансиз.

Боғлабон ёшлик чоғдан дўстлик риштасин,
Дунё кезиб, дўст айлабон куй фариштасин,
Қўлингизда дуторингиз-дил ошифтаси,
Таратиб гўзал наво, ишқ нашидасин.

Бир умрга дутор Сизни ёр айлади,
Қўлда созу дилда ижод бор айлади,
Гўзал куйлар чалиб, қўшиқ овозидан,
Ҳаётингиз нурафшон, гулзор айлади.

Мен, Ҳамидий, тилайман соғлиқ устозга,
Ижоддан чарчамайин содиқ-ла созга,
Санъатимиз чўққисида узоқ йиллар,
Пок меҳнатда севгидан дутор овозга.

12.12.2011 йил



ЧОЙГА МАРҲАБО

Ўзбегим дер доимо,
«Дўстлар, чойга марҳабо.
Қани бир гаплашайлик,
Чин дилдан дардлашайлик».

Эрта тонг саҳар чоғи,
Гунча гул очар боғи,
Бир пиёла чой ҳозир,
Қалбларни ювар доғи.

Қайнона-келин шошар,
Тандир тўла нон ёпар,
Дастурхонлар ёзишиб,
Райҳонлар гулин сочар.

Дастурхоннинг тўрида,
Ёши улуғ катталар,
Дуо қилиб ниятда,
Чой ичишар барчалар.

Шундай урф одат ила,
Ибою ҳаё ила
Чой узатар келинлар.
Қўлда чинни пиёла,

Ҳар бир тўю тантана,
Байрамларда анъана,
Бир пийла чой ичар,
Ният қилишар яна.

Қайда бўлса фарзандлар,
Сафарми ё хизматлар,
Бир пиёла чой ичар,
Чин юракдан дилбандлар.

Бор бўлсин дер фурсатлар,
Яхши тилак, ниятлар,
Чойхонада хасратлар,
Ош баҳона улфатлар.

Фарзандин бахтин кўрмоқ,
Дилдан бир суҳбат курмоқ,
Бир пиёла чой ичмоқ,
Шодлик-қувончга тўлмоқ.

Чой ичмак ҳам насиба,
Ниятдир пок аслида,
Оила даврасида,
Ёздим ушбу қасида.

Ўзбегим дер доимо,
«Дўстлар чойга марҳабо.
Қани бир гаплашайлик,
Чин дилдан дардлашайлик».

19.04.2012 йил.



ЙИГИРМА ЙИЛЛИК «ДИЙДОР УЧРАШУВ»

Йигирма йил аввалда,
Мактабим кучоғида,
Биз билим чанқоғида,
Ёшликнинг гул боғида,
Устозлар зиёсидан,
Бу дунё сўроғидан,
Қалдирғоч мисол туғён,
Учган эдик кенг жаҳон.
Қадрли синфдошлар,
Меҳрибон, сиз устозлар,
Бугун дилда ҳаяжон,
Қалбларда чексиз туғён,
«Дийдор ширин» дастурхон.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Бугун дилда ҳаяжон,
Қалбларда чексиз туғён,
Нурга тўлар кенг жаҳон,
Барчамиз хурсанд, шодон.
Қадрли синфдошлар,
Севимли дўст-ёронлар,

Нақорат

Бугун сўнги қўнғироқ,
Жарангли, бунча янгроқ,
Қўшиқ куйлар барчамиз,
Даврада жўшқин, қувноқ .

Нақорат

Мактабим кучоғидан,
Устозлар нур —боғидан,
Биз билим чанқоғидан,
Бу дунё сўроғидан,
Учмоқдамиз қуш мисол,
Ёшликнинг гул чоғидан.

Нақорат

Хайр энди устозлар,
Кўнгил айтар дил розлар,
«Хайр» деган сўз айтмоқ,
Қандай оғир, эй дўстлар.
Тингланг сўнгги кўнғироқ,
Тирнар қалбларни, дўстлар.

Нақорат

Бугун сўнгги кўнғироқ,
Жарангли, бунча янгроқ,
Қўшиқ куйлар барчамиз,
Даврада жўшқин, қувноқ..

27.03.2012 йил

СЕН ДУНЁГА СУЛТОН БЎЛ

Сен дунёга толиб бўлсанг,
Дунё сенга султондир,
Нафсингдан гар голиб бўлсанг,
Сен дунёга султондир.

Сен дунёдан юз ўгирсанг,
Сабр сенга йўлдошдир,
Яхшилик чин қилар бўлсанг,
Ҳаётиңда қўлдошдир.

Ёмонларга дўст бўлма ҳеч,
Яхшилар пойини ўп,
Шайтон домига тушма ҳеч,
Кўзингга тушмасин чўп.

Эй, Ҳамидий, қаноат - ла,
Ҳар дамингга шукр эт,
Умрин имон-ла безарсан,
Жаннатдек манзилга ет.

21. 07. 2011 йил.

БОҒЧА БОЛАЛАРИ ҚЎШИҒИ

(«Айиқча» номли болалар боғчаси учун)

Биз кичик «Айиқчамиз»,
Бахт-иқбол — бўлакчамиз,
Истиқлол берган юртда,
Биз аҳил болачамиз.

Тарбиячи, устозлар,
Берган билим, баёзлар,
Насиҳат, ўғитларда,
Орзу умиди бизлар.

Катталарга дастёрмиз,
Ёрдам учун тайёрмиз,
Мактабга бормоқ истаб,
Ёзмоқ билмоққа ёрмиз.

Биз кичик «Айиқчамиз»,
Бахт-иқбол — бўлакчамиз,
Истиқлол берган юртда,
Аҳил, шодмиз барчамиз.

30.01.2012 йил.

СЕВГИ ИЗҲОРИ

Кўрдим сени мен зумдан,
Ошиқ бўлдимку шу дам,
Севгим изҳор этолмам,
Қалбим сендадир санам.

Бунча гўзалсан жоним,
Олдинг ақду хаёлим,
Сен учун бергум борим,
Бирга бўлмоқ шиорим.

Нақорат

Хусну жамолда ойсан,
Ақлу одобда бойсан,
Дардим нечук билмайсан,
Шиддатли оқар сойсан.

Ҳар вақт сени кутарман,
Кутиб, шеърлар битарман,
Севгилим деб айтарман,
Бахтимга мен етарман.

Нурга тўлсин бу осмон,
Бахтимга бўлгин омон,
Кўраман деб ҳар оқшом,
Юрак урар сен томон.

Нақорат

Хусну жамолда ойсан,
Ақлу одобда бойсан,
Дардим нечук билмайсан,
Шиддатли оқар сойсан.

20.03.2012 йил.

ҲАЙРАТДАМАН

Ошиқ қалбим бўлди яро,
Кўнглим тундек бўлди қаро,
Бўлдим афсона эл аро,
Ҳайратдаман, ҳайратда.

Билинг, сиздек гўзаллар кам,
Юзингиз ой каби кўркам,
Икки қош ҳилолдек ҳам
Ҳайратдаман, ҳайратда.

Боқмай ақлим этиб ҳайрон,
Наҳот севгим бўлди вайрон,
Қалбим ўртар мисли жайрон,
Ҳайратдаман, ҳайратда.

Ҳамидийдан қулманг, эй ёр,
Интизорман кўрмак зор-зор,
Умидим — чин севгимиз бор,
Ҳайратдаман, ҳайратда.

6.05.2012 йил.

ЮЛДУЗ САНАБ

Кечалар юлдуз санаб,
Ёр хажрида ёнаман,
Жамолин кўрар бўлсам,
Чанқоғимга қонаман.

Ой кулар менга қараб,
Жилваланар юлдузлар,
Ёримни кўрмак истаб,
Изларман туну кунлар.

Таскин бермас ой менга,
Узоқдаги юлдуз ҳам,
Билмам севган ёр нега
Кўринмайди кундуз ҳам.

Хумор кўзли жононам,
Ҳаёт йўлим ёритса,
Дил ардоғим ёргинам,
Рухсорига қондирса.

Ёр васлин кўрмак истаб,
Ҳамидий хануз кутар,
Кечалар юлдуз санаб,
Тонг отар, алам ютар.

25.05. 2011 йил.

НАСРИЙ МАШҚЛАР

МУСТАҲКАМ ОИЛА – МУҚАДДАС МАСКАН.

(Оилавий бахтнинг икки устуни)

Янги-2012 йилни Президентимиз «Мустҳкам оила йили» деб эълон қилишлари азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлган оила аталмиш маскан -жамиятимизнинг энг қуйи ва шу билан бирга энг асосий бўғини —ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи эканлигининг яна бир бор эътироф этилишидир. Ҳаммамизга бир нарса аёнки, кишилиқ жамияти бор экан, албатта, оила аталмиш муқаддас даргоҳ ҳам бордир. Оиланинг мавжудлиги эса ўз-ўзидан бебаҳо неъмат — фарзанд неъматидан билан боғлиқ бўлади. Фарзандсиз оила мевасиз дарахтдир. Фарзандлар бор экан, демак, янги эзгу ниятлар, орзу-истаклар, интилишлар, ҳаракатлар бор дегани.

Табиий бир савол туғилади: Қандай оила мустаҳкам ва бахтли бўлиши мумкин? Бунга, менимча, шундай жавоб берилса бўлади: Оила аъзолари имонли-эътиқодли, тинч-тотув яшайдиган, аҳил бўлган, ҳар бир оила аъзоларининг зиёли бўлишига ҳаракат қилишлиқ ва ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиши учун ор-номусли, меҳнатсевар ва илмга чанқоқ бўлиб ўсаётган фарзандларига жавобгарлик ҳисси юқори бўлган ота-оналарнинг эл-юрт тақдири, унинг куч-қудрати, салоҳияти, тинч-осойишталиги, буюк келажаги учун ўз ҳиссасини қўша олишга қодир бўлган фарзандларни тарбиялашдек вазифаларни юксак мақсад, деб қўя олишлиқдир. Албатта, бу мақсадлар сари тинмай меҳнат қилиш, бор кучларини сафарбар қилишлиқ керак бўлади.

Шу маънода фарзандларимизнинг одоби-ахлоқи, маданияти, маънавий камолоти, билим олишида ва ҳозирги замон илмий-техник жараёнларнинг жадал ривожланишида фарзандларимизнинг ўз ўрнини топа билишида ота-оналарга катта масъулият юклатилади. Фақатгина ақлли, доно ва ҳар томонлама етук ота-оналарнинг ўз фарзанд-

ларига тўғри тарбия беришлари, албатта, шахсий ибрати, ҳалол ва пок меҳнати, юксак инсоний фазилатлари билан намуна бўла олсагина қўйилган юксак мақсадларга муваффақиятли равишда эришиш мумкин бўлади. Шу борада доно халқимизнинг ажойиб ўғитлари ҳам бор: «Бола азиз, одоби ундан азиз», «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Қарс икки қўлдан чиқади»

Ота-оналар фарзандларини ҳам жисмоний ва ҳам руҳий соғлом ўстиришга ва тарбия беришга масъулдирлар. Айниқса, фарзандларининг маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ва барча инсоний фазилатларга бой қилиб ўстириш ҳақида қайғурмоқчиликлари зарурдир. Демак, «Оила» деб аталмиш илм мактабининг барча аъзолари оила илмини қандай эгаллаганликларига, бу илмнинг амалда бажарилиши қай даражада эканлигига қараб, турмуш осуда, тинч-хотиржам, ва бунинг натижаси ўлароқ, мустаҳкам бахтли оила бўлиши кафолатланади. Шунда ёш оилаларнинг бузилишлари ҳам кескин камайишига олиб келади, деб ўйлайман. Тинч-тотув оила қуриш ва ҳаётда бахтли яшаш учун, айниқса куёв бўлмиш йигитнинг ўзига ва ота-онасига жуда-жуда боғлиқдир. Йигит бўлмиш куёв шу янги оиланинг бир устун, қўрғони ва албатта, посбонидир. Бу масъулиятли вазифани бажармоқ учун йигит киши «Оила» илмини эгаллар экан, у ақлли бўлиши билан бирга, аввало, жисмонан соғлом ва руҳан тетик бўлиши жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун у атрофга тафаккур кўзи билан назар солиб, мулоҳаза билан доимо таҳлил қилмоғи керак бўлади. Тўғри хулоса чиқариш эса олган «Оила» илмини қай даражада билиши ва уни амалда қай даражада бажаришига боғлиқ бўлади. - Бу ишда ота-оналарининг ҳам кўмаги чексиздир.

Келин бўлмиш қизимиз ҳам бир хонадон аъзоси бўлгач, (одатда, оила катта бўлади) шу оила аъзоларининг ҳар бири билан, айниқса, куёв ва унинг ота-оналари ва бошқа яқинлари билан ҳам бўладиган муносабатлардаги натижалар қандай бўлишига қараб, бу «ёш ниҳол» бу оилада кўкариб, авж оладими йўқми, шунга боғлиқ бўлиб қолади. Хонадоннинг янги аъзоси бўлмиш ушбу

келин ҳамманинг диққат эътиборида бўлади. Ҳар бир ҳаракати, уй ишлари, юмушларини қай даражада бажариши, саранжом-саришта эканлиги ҳамманинг, айниқса, қай-нонасининг диққат марказида бўлади. Бу табиий ҳол, албатта. Ўша қайнона ҳам «Келин бўлиб тушганимда ҳамма ишларни қойил қилганман» деб айтса, у ёлғон гапирган бўлади. Ҳаммага ҳам ҳар доим ёш келинларнинг қилган ҳамма ишлари ёқавермайди. Шу нуқтаи назардан келиннинг ота-оналари ҳам қизларига қандай тарбия берганликлари катта аҳамиятга эга бўлади. «Қуш уясида кўрганини қилади», дейди доно халқимиз. Хато қилмаслигининг ҳеч иложи йўқ..

Оила асосининг мустаҳкамлиги шу оилада юзага келган муҳит — таълим-тарбия, одоб-ахлоқ қандай қўйилганлигига боғлиқ бўлади. Ҳеч бир оилада бу даражалар бир хил бўлмайди. Ўхшаш бўлиши мумкин, лекин, айнан бир хил бўлмайди. Тарбиявий муҳитнинг шаклланиши барча оила аъзоларининг бир-бирига муносабатларида, атрофдагилар билан бўладиган муомалаларида ўз аксини топади. Йигит бўлмиш куёв ҳамда келин ҳам шу оила аъзоси бўлиб, албатта, шу тарбиянинг бевосита иштирокчиларидир.

Умуман олганда, оилавий бахтнинг асосан икки устуни — бири эркак (масалан, куёв) бўлса, иккинчиси аёлдир (масалан, келин). Агар бу устунларнинг бири бир оз оға бошласа, оила деб аталмиш уйнинг мувозанати йўқола бошлайди. Лекин, оила уйининг заминини, асосини ота-оналар белгилайди. Аслини олганда шу асос мустаҳкам бўлмоғи керак. Устунлар мустаҳкам бўлсаю, асоси бўш бўлса, албатта, бундай оила уйининг тез вайрон бўлиши табиийдир.

Демак, мустаҳкам оила бўлиши учун, аввало, унинг асоси бўлмиш ота-оналар орасидаги ўзаро муносабатларда меҳроқибат, ўзаро ҳурмат, эътибор ва албатта ҳамжиҳатлик билан бирга кечиримли, сабр тоқатли бўлишлари талаб қилинади. Шунда оила мустаҳкам ва бақувват асосга эга бўлиши мумкин. Мустаҳкам оилаларнинг шаклланиши ва ривожланиши эса пировард натижада мустаҳкам жамиятимизнинг шаклланишига асос бўлади, деб ҳисоблайман.

12.01.2012 йил

ФАХРИЙ ПАРТА

Тошкент шаҳрининг марказида, «Пахтакор» стадиони яқинида бир мактаб жойлашган. Бу мактабда кўпгина машҳур инсонлар таҳсил олиб, уни муваффақиятли битиришган. Улар ичида дунёга машҳур олимлар, давлат арбоблари, санъатимиз юлдузлари ва ҳатто машҳур спортчиларимизнинг бўлганлиги бизларни қувонтиради. Бу мактабда ўқиш бизлар учун катта ифтиҳор бўлиши билан бирга, бизларни аъло баҳоларга ўқишимизга, одобли-ахлоқли бўлишимизга ундайди.

Шаҳмат бўйича 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам бизнинг мактабда ўқиган. Бизнинг мактабимиз учун бу катта шарафдир. Мактабимизни битириб, дунёга машҳур бўлган кишиларнинг фахрий музейи ташкил этилган бўлиб, унда Рустам Қосимжоновнинг ҳам бўлими бор. Унда Жаҳон чемпионининг турли мусобақаларда қўлга киритган мукофотлари, фахрий ёрлиқлари билан бирга ўқувчилик пайтларида ўтирган синф партаси ҳам жой олганлиги диққатга лойиқдир.

— Янги ўқув йили бошлангач, сентябр ойи бошларида бизнинг синфимизга янги икки ўқувчи келиб қўшилди. Эндигина таъмирдан чиққан ва янги мебеллар — стол ва стуллар билан жиҳозланган синфимизда бу икки ўқувчига жой етмай қолди. Шунда синф раҳбаримиз фурсатни қўлдан бермай, икки ўқувчини ёрдамга чақириб, синфимиз ёнидаги музейдан эски партани келтирдиларда, янги столлар қаторига жойлаштирдилар. Лекин, ўқувчилардан ҳеч ким бу эски партага ўтиргиси келмасди. Тўғрида, ҳали фабрика бўёғининг хиди анқиб турган стол ва стуллар турганда кимнинг эски партага ўтиргиси ҳам келар эди.

Ушбу вазиятни дарров англаган синфимиз раҳбари, аввалига парта ёнига келиб, нозик қўллари билан уни силай бошладилар, кўзларида эса, эски қадрдонини учратганда хурсанд бўлгандай, қувонч ёшлари ҳам йилтиллаб турар эди. Шунда ўқитувчимиз бир хўрсиниб:

— Сизлар биласизми бу қандай парта? Ахир, бу партада ўқувчилик пайтида Рустам Қосимжонов ўтирган. Биз бир синфда ўқиганмиз. Мен унга синфдош бўлганимдан бахтиёрман. Мана, ҳозир эса бу парта мактабимиз музейидан муносиб фахрий жой эгаллаб турибди, — дедилар.

Синф раҳбаримизнинг хаяжонли гапларидан сўнг, ўқувчилар таъсирланиб, ўзига хос меҳр билан бу партага қарай бошлашди. Шу вақтда бу партага ўтириш ниятидаги ўқувчилар сони ортиб кетди. Энди барча ўқувчилар уни эгалламоқчи бўлиб, ҳаракат қилаётган эди. Шунда синфимиз раҳбари бунинг ҳам иложини топиб:

— Бугун бу партада янги келган икки ўқувчимиз жой оладилар. Лекин, кейинги кунлар эса ҳафтанинг энг аълочи ва одобли-ахлоқли ўқувчилари жой олади. Уларни эса ўзингиз ҳафта охиридаги синф мажлисида эълон қиласиз, — дедилар.

Ўқитувчимизнинг бу сўзлари ҳаммамизга маъқул бўлди.

Мана, ўқув йилининг биринчи ярми ҳам тугаяпти. Лекин, синфимизнинг барча ўқувчилари бу ярим йилликни яхши ва аъло баҳоларга яқунлашга ҳаракат қилишяпти.

Яқин келажакда бизнинг синфимиздан ҳам машҳур кишилар чиқиб қолса, ажаб эмас. «Яхши ният — яхшига ҳамдам», дейди доно халқимиз.

3.02.2012 йил

«САҚЛАГИЧ»

«Сақлагич» сўзининг луғавий маъноси тасодифий ҳодисалардан сақлаб, хавфсизликни таъминловчи қурилмани англатади.

Ҳар бир маҳаллада бўлгани каби бизнинг маҳалламизда ҳам шундай бир хонадон борки, бу уйга ҳеч бир қўшни кирмайди, меҳмон ҳам бўлмайди. Бу хонадон соҳиблари маҳаллага қўшилмайди, тўй-ҳашамларга аралашмайди ва турли баҳоналар билан бандлигини айтиб узрини сўрайди. Албатта, бундай ҳолат кўп марта такрорланавергач, қўни-қўшнилар ҳам тўйга этмай қўяр экан. Яқшанба кuni эрта билан кўчамиздаги шундай хонадон соҳиби неварасининг мазаси бўлмай қолганлигини айтиб, тез ёрдам келгунча қўлимдан келганча дори-дармон беришимни сўраб келибди. Мен шифокор бўлганим учун илтимосини бажонидил бажармоқ мақсадида керакли дори-дармонлар олиб кетма-кет уйига чиқдим. Кўча эшик қулфланган эди. Мен таажжуб билан эшик тугмасини босдим. Бир зум-

да эшикни уй соҳиби очиб, эшик бекитилганлиги учун мендан узр сўради:

— Кечирасиз, эшикни кулфламасак турли кишилар келиб, эшик қўнғироғини чалмасдан ҳам ҳовлига кириб келаверади. Айниқса, шанба-якшанба кунлари бу ҳол авжига чиқади. Кимдир сут-қатиқ сотаман деб келади, кимлар эса супурги, чинни асбоблар сотаман, деб келади. Ёки бўлмаса яна кимлардир эски - туски нарсалар сотиб оламан, дейди. Баъзан эса гала-гала болалари билан лўли-гадойлар уйга ёпирилиб киришади. Улардан қутулиш эса жуда қийин-ёпишиб олади. Эшикни танбалаб, кулфлаб қўйсангиз ҳам қўнғироғини чалиб, чиқишимизга мажбур қилишади. Якшанба кун дам олиш қаёқда дейсиз.

Қўшни невараси бир оз шамоллаган экан. Берилган доридармонлар таъсирида у анча ўзини яхши хис қила бошлагач, қўшнимнинг қўнгли анча кўтарилди. Менга раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирди. Қўярда-қўймай ҳовлидаги стол атрофига бир пиёла чойга таклиф этди. Мен рози бўлдим. Шу вақт қўшнимнинг ҳовлисидаги узум сўрисиغا кўзим тушди. Меваси жуда кўплигига ва ҳар бир вош узум чиройли қилиб қоғозга ўралганлиги диққатимни тортди.

Энг қизиғи эса сўри атрофидаги ипга осиб қўйилган кўзгу бўлаклари эди. Бир оз шамол таъсирида кўзгучалар айланиб, қуёш нуруни атрофга сочиши ажойиб манзара касб этарди. Бундан ҳайратланиб сўрадим:

— Ия, ака, бу кўзгучаларга қараб узумингиз пардоз қиласизми? — дея ҳазил аралаш сўрадим.

— Э-э-ҳа, бу кўзгу бўлакчаларими? Пардоз учун эмас, албатта. Азбаройи қора қушларнинг узум меваларига ҳужумларини қайтариш учун осиб қўйилган. Шу кўзгучалар бўлгани учунми, билмадим, қора қушлар келмай қўйди.

— Во, ажабо, бундай содда қурилма ихтиро, таҳсинга лойиқ. Бу тажрибани бошқалар билан ҳам ўртоқлашиш керак, токи улар ҳам қора қушлар ҳужумидан қутулар эди. Қора қушлар эса мажбур бўлиб, учиб келган томонга қайтиб кетармиди, нима дейсиз?

Яна бир фикр. Мабодо, шу ихтиро сизникига келаётган қўни-қўшни, меҳмонларни ҳам ҳайдаётган бўлсачи? Сиз шуни ҳеч синаб кўрмадингизми? — дея ҳазиллашдим мен.

ЯНГИ ҚЎШНИЛАР ҲАКИДА

(Ҳажвия)

Ҳар куни турли-туман одамлар билан учрашамиз, муомалада бўламиз, турли қиёфали инсонларга дуч келамиз.

Қадимда ота-боболар одамларни ташқи кўринишидан, юриш-туришидан, қиёфасидан (қадди-қомати, савлати, қадам ташлаши, юз-кўзларига қараб) яхши-ёмонлиги, мард-номардлиги, заиф-кучлилигини аниқлашга ҳаракат қилганлар ва маълум ҳолатларда тўғри хулосаларга ҳам келганлар. Бу ҳақда турли хил китоблар ҳам битилган. Албатта, мумтоз дostonларда, эртакларда қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, қиёфаси шу белгилар асосида тасвирлаб берилиши бунга мисол бўла олади. Лекин, бундай билимни ҳар ерда, ҳар вақт, ҳеч қандай синовсиз, бир қарашда ишлатавериш эса инсон ҳақидаги сифатларга ижобий натижалар беравермаслигини унутмаслик керак.

Яқинда Ҳасадилланинг оиласига кўп қаватли биноларнинг биридан уч хонали квартира ажратилди. Оиласи билан ўтган якшанба куни янги квартирага кўчиб ўтишди. Янги уй шароитига ҳам кўника бошлаган Ҳасадилла, секин-аста бир йўлакда яшовчи янги қўшнилари билан ҳам саломалик қилиб, таниша бошлади.

Янги қўшниларидан бири — ўнг томонидаги квартира соҳиби унга бир кўришдаёқ ёқмади. Ҳасадилла ушбу янги қўшнига узоқдан назар солиб, юриш туришига ва ташқи қиёфасига қараб, баҳо бера бошлагач, шундай хулосага келди. Нима учун дейсизми?... Ахир, агар киши айиқсимон бўлса, беҳиммат ва пасткаш, бевафо, аҳдини бузувчи қайсар киши бўлиши ҳақида Ҳасадилла тегишли китобларда ўқиганди. Бундан ташқари янги қўшнининг кулоқлари гавдасига нисбатан сезиларли даражада кичик эканлиги унинг эътиборидан четда қолмади. Бундай кишилар, одатда, китобларда хиёнаткор ва бадфеъл бўлиши ҳақида ёзилганлиги унинг ёдига тушди. Бундан эса Ҳасадилла ўзига тегиши хулоса чиқарди ва ўнг томонидаги қўшнисидан, ҳар эҳтимолга қарши, эҳтиёт бўлиши кераклигини инобатга олиб қўйди.

Худди шундай ҳол чап қўшниси билан ҳам содир бўлди. Икки кун аввал кўчиб келган бу қўшни биринчи кўрган-

да ёққандай бўлганди, лекин, узоқроқдан бир разм солгач эса, у ҳам кўнглига ўтирмади. Ахир, қандай қилиб ўтирсин кўнглига. Ўрта бўйли, сочи жингалак, мовий кўзли ўттиз беш ёшлардаги бу йигит қоплонсимон нусха бўлса, ва бундайлар эса, одатда кибрли, очкўз, бўлишини у яхши биларди. Бундан ташқари мовий кўзини айтмайсизми. Ахир, бундай кўзга эга кимсалар бешарм, бевафо, эътиқоди паст ва имони суст бўлишини эслаб қолди. Устига-устак қулоғи катталиги эса унинг тамағир ва пасткашлигидан далолат берарди. Хуллас, чап қўшнисидан ҳам Ҳасадилланинг хафсаласи пир бўлганди.

Бугун эса тўғридаги қўшниси кўчиб келди. Уй соҳиби билан бир марта кўришиб, салом-алик қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашгандай бўлди. Зора, энди қаршисидаги қўшнисидан ёлчиган бўлса. Баланд бўйли, озғингина, бўйни ингичка, ов итига ўхшаш бўлган бу қўшниси, Ҳасадилла билган таърифга асосан, ор-номусли, лекин сал-пал алдашга мойиллиги борлигини эсга олди. Кўзлари қоп-қора, катта-катта бўлганлиги ва қошлари қалинлиги бу қўшнисининг зинокор, очкўз ва молпараст эканлигидан далолат бериб турарди. Шундай бўлганда ҳам, қаршисидаги қўшни ор-номусли эканлиги бир оз уни хотиржам қилгандек бўлди.

Ҳасадилла йўлакдаги хонадон эшигини хиёл очиб, йўллакка чиқдида, янги қўшни билан салом-алик қилиш мақсадида, кўчларини уйига ташиётган қўшнисининг келишини пойлаб турди. Кўлидаги оғир юки билан янги қўшни йўллакка кириб келгач, Ҳасадилла у билан қуюқ саломлашди, ҳол-аҳвол сўрашди ва янги уй фазилатлари ва камчиликлари ҳақида сўрай бошлади. Шу орада қўшнисига ён атрофдаги қўшнилари ҳам қўчиб келганлиги ҳақида қизиқиб, сўзлай бошлади. Бу янги қўшнилари кўчиб келганлиги ва улар ҳақида уйғонган таассуротларни Ҳасадиллонинг гапириши эса, янги қўшнида ғалати таассурот қолдиришга улгурган эди.

Янги қўшни ҳам Ҳасадиллага бир оз тикилиб, унинг шуъласиз, аланглаб турган кичик ва бир оз хиралашган қора кўзларига тикилар экан:

— Баъзи кишиларнинг кўзлари яхши кўрса ҳам, ҳеч шуъласи (жилоси) бўлмайди. Ундай киши одамларнинг бахтсиз бўлишини кўрса, шодланади, атрофдагилари завол топишидан завқланади, хурсанд бўлади -деди ва Ҳасадилланинг қулоқлари кичиклигига эътибор бериб ва яна бундай кишилар хиёнаткор ва бадфеъл бўлади, дейишади. Сиз нима дейсиз шунга, қўшни — дея сўраб, қўшиб қўйди. Бунга жавобан Ҳасадилла:

— Ҳа, ҳа, мен ҳам фикрингизга қўшиламан. Лекин, нега буни менга айтаяпсиз, мен тушуна олмадим -деди Ҳасадилла қўшнисининг гапини тасдиқлар экан.

— Бугун якшанба бўлганлиги учунми, билмадим, соқолингиз олинмаган кўринади. Эрта билан туриб, кўзгуга бир қараб қўйишни унутманг, қўшнижон — деб, кичик қулоқларига ва ташқи кўринишига киноя билан "зора ўзини кўзгуда таниса", деган фикр билан янги қўшни унга ишора қилди-да, уйига юкини кўтарганча кириб кетди.

Ҳасадилла эса, қўшнисини бу гапидан кейин бир қўли билан даханини силаб қўриб, соқоли олингани ва қўшнисини бу билан нима демоқчи эканлигини англаб, ҳар эҳтимолга қарши тўғрисидаги қўшнисини ҳам ён қўшнилари "қаторига" қўшиб қўйди.

3.11.2011 йил

ҚИЗИНИНГ БАХТИНИ ЎЙЛАГАН ОНА

Ён қўшнимиз Насибахон яқинда биттаю битта қизини узатадиган бўлди. Гапларига қараганда қуда томон жуда бадавлат, бўлажак эркак қуда катта бир фирманинг директори, аёл қуда эса тижорат ишлари билан чет элларга қатнаш экан.

Никоҳ кунлари тайин бўлгач, қариндош-уруғларни тўйга этиш бошланади. Қўшнимиз Насибахон ва умр йўлдоши Собиржонлар — ўқитувчи. Насибахоннинг ота-оналари асли шаҳарлик, Собиржоннинг ота-оналари эса узоқ вилоятларнинг бирида яшашади. Шунинг учун уларни тўйга телефон орқали таклиф қилинишини лозим деб топишди. Шунга қарамай Собиржон туғилиб ўсган қишлоғидан энг яқин ака

—укалари, амма-холалари тўйга ўз вақтида ташриф буюришди. Албатта, тўйга келган меҳмонлар қуруқ келмади — топганларини тўёна қилиб, Собиржонга топширишди.

Никоҳ кун келин томони куёв ва унинг дўстларини жуда яхши кутиб олишди. Шундан кейин куёв жўралари билан келинни тўйхонага олиб кетиш учун қўчада бир оз вақт пойлаб турар экан, улар билан бирга келган карнай-сурнайчилар эса «ёр-ёр» куйини чалиб, меҳмонлару мезбонларни тўйхонага кетишга шошира бошлашди. Келиннинг онаси бўлмиш Насибахоннинг хаёлида эса базмга кимларни олиб бориш масаласи ҳамон қўндаланг турар эди. Биринчидан, қудалари жуда нозик табиатли экан — келин томондан келадиган меҳмонлар сони 50 кишидан ошмаслигини ва иккинчидан, иложи борича, асосан ёшларни-келиннинг энг яқин дугоналарини олиб келишни илтимос қилиб сўрашган. Қудаларнинг бундай мартабалик бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, келин томондан борадиган меҳмонларни ҳам саралаб айтиши кераклигини Насибахон жуда яхши тушунар эди. Қариндошлари ичида савлат тўкиб юриш-туриши, кийиниши қудаларига мос бўлганларини аввалдан танлаб, никоҳга албатта боришларини тайинлаб қўйган. Лекин, ҳозир бир нарса уни жуда қийнар эди. Эри Собиржоннинг узоқ қишлоқдан келган қариндошларининг юриш-туришлари, кийинишлари бу талабларга жавоб бермаётгани уни хавотирга солаётган эди. Шунинг учун унинг қўнгли ғаш бўлиб, нима қилишига ўзи ҳам ҳайрон. Нима ва қандай илож қилсаки, уларни никоҳ кечасига олиб бормаса? Ундан шу хаёл деярли кун бўйи кетмади, кечга яқин эса ажойиб режа хаёлига келди. Насибахон укасини чақириб, ушбу режа билан уни таништира бошлади:

— Ука, илтимос. Мени диққат билан эшит. Фақат бу режа иккимиз орамизда қолсин. Сен зудлик билан никоҳга олиб кетадиган куёв томон қолдирган автобусдан ташқари, поччангнинг қишлоғидан келган меҳмонлар учун алоҳида бир микроавтобус топасан. Ушбу микроавтобус меҳмонлари билан ҳамма қатори тўйхонага йўл олади. Ҳайдовчи билан гаплашиб, вазиятни унга тушунтирасан. Унга айт, автобус ярим йўлни ўтгач, бузулиб қолсин. Ҳайдовчи бир соатлар ча-

маси автобусни созлаш билан овора бўлади-да, сўнгра эса машинани тузатолмадим, деб, йўлда такси тўхтатиб, барча меҳмонларни бизнинг уйга қайта жўнатиб юборади.- Мана, бу эса такси учун пул – деб, Насибахон укасига бир даста минг сўмлик пулни узатди.

Шу куни Насибахоннинг режасини тўғри тушунган укаси «хамирдан қил суғургандек» ушбу режани амалга оширишга муваффақ бўлди. Ҳамма хурсанд эди. Тўй базми жуда чиройли ўтди. Фақат, узоқ қишлоқдан никоҳ тўйи деб атайлаб ташриф буюрган эрининг яқин қариндошлари никоҳ базмида иштирок эта олмаганини ҳисобга олмасак, Насибахоннинг қувончи чексиз эди. Ахир ажойиб, топарман-тутарман қудаларга қариндош бўлгани унинг энг катта бахти эди-да. Шу куни қудалари ҳам бўлиб ўтган базмдан жуда мамнун бўлишган эди.

Биз эса икки ёшнинг ҳаётлари ҳам доимо шундай бўлишини тилаб қоламиз.

Оналар фарзандларининг бахтли бўлиши учун эса ҳар қандай ҳаракатлар қилишга тайёр бўлишларини Насибахон ўзи мисолида кўрсатишга улгурган эди.

20.03.2012 йил

МОБИЛ УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАСИ –ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛАМИЗМИ?

Бу саволга, албатта, ҳар бир телефон эгаси қониқарли жавоб бериши аниқ. Лекин, гап оддий механик равишда телефонни ёқиб, унда керакли фаолиятни амалга ошириш ҳақида эмас, балки ишлатиш маданияти ҳақидадир.

Асримизнинг энг ажойиб кашфиётларидан бири телекоммуникация соҳасининг ривожини натижаси ўлароқ, сўзсиз, мобил уяли алоқа воситаси бўлмиш қўл телефонларидир. Ҳозирги вақтда ушбу телефонларнинг имкониятлари кундан кунга ривожланиб, уларнинг турлари ва функционал вазибаларининг саноғига ҳам етиб бўлмайди.

Шунга қарамай, мобил телефонларни кўп ишлатиш зарарлари ҳам борлиги тўғрисидаги илмий тадқиқотлар на-

тижалари матбуот саҳифаларида пайдо бўлмоқда. Аниқ-ланишича, юрак-асаб тизимларига ва марказий нерв тизимларига салбий таъсирлари борлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Айниқса, балоғатга етмаган ёш болаларнинг қўл телефонларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ эмаслигини кўп олимлар айтишмоқда.

Лекин гап ҳозир мобил телефонларидан фойдаланиш меъёри, вақти ва маданияти ҳақидадир. Бировнинг хатини ўқиш бизларда ўта маданиятсизликка киради. Менимча, худди шундай, ўзгаларнинг телефондаги гапларини омонат деб билмаслик ва уни атайлаб эшитишга ҳаракат қилишлик ҳам маданиятсизлик саналиши мумкин.

1. Шу кунларда кўча-кўйда, жамоат транспортларида, турли ташкилотларда кўпчилик қўл телефонида фойдаланиб гаплашаётган ҳолатларини кузатамиз. Лекин, ўзимиз истамаган ҳолда, телефон эгасининг мулоқотини эшитишга мажбур бўлиб қоламиз. Айниқса, жамоат транспортда шу ҳолатлар кўп кузатилади. Телефонда сўзлашувчининг атрофидаги барча йўловчилар фикри-хаёли бўлиниб, бутун диққати шу телефон соҳибига қаратилади. Шунинг учун, менинг фикримча, жамоат транспортларидаги телефон сўзлашувларини иложи борида амалга оширмаслик мақсадга мувофиқдир. Иложи бўлмаган тақдирда эса, атрофдагиларни диққат-эътиборини бузмаган ҳолда, жуда паст овозда гаплашмоқ зарурдир.

2. Бирор-бир жамоат ташкилотларидаги катта анжуманлар ва мажлислар залларидаги иштирокчиларнинг қўл телефонларини ўчириб қўйиш тавсия қилинса ҳам, кимлардир ёддан чиқариб, илтимосни бажармасликлари оқибатида, залдаги маъруза ниҳоятда диққат билан тингланаётган бир вақтда ўчирилмаган қўл телефонининг чақириғи атрофдаги барча тингловчилар диққатини бўлади. У ҳам майлия, маърузачи нутқини эшитмай, телефон орқали сўзлашиши ва атрофдагиларнинг фикрини бўлиши эса ҳеч қандай одоб қоидаларига тўғри келмайди.

3. Мактаб, лицей ва турли хил ўқув юртларида ўқувчи, талабаларнинг ҳам дарс вақтидаги қўл телефонларини ўчирмай, фойдаланишлари оммафий тус олаётгани ачинарли

ҳолдир. Бундай ҳоллар ҳам, албатта, ўқув жараёнига салбий таъсир қилиши шубҳасиздир. Ҳаттоки, баъзи ўқитувчиларнинг ўзлари дарс вақтида телефонларини ўчирмай, қўнғироқларга жавоб бериш ҳоллари борлиги салбий ҳолатдир.

Аслида, бу мақолани ёзишимга эса бўлиб ўтган бир воқеа катта туртки бўлди.

Яқинда ёши улугроқ бир қўшнимиз вафот этиб, жанозасида иштирок этганимда ушбу воқеанинг гувоҳи бўлдим. Жаноза иштирокчилари қаторида қари-мўйсафидлар билан бирга ўрта ёшдаги кишилар ва ёшлар ҳам кўп эди. Одатда, жаноза вақтида қўл телефонларини ўчириб қўйиш ҳақида огоҳлантирилишига қарамай, жаноза қатнашчиларидан ёшроқ бир йигит қўл телефонини ўчиришни ёдидан чиқарибди. Жаноза тугаб, домла-имом қуръон тиловат қила бошлагач, ушбу қўл телефони чақириб қолди. Аввалига телефон соҳиби қўнғироққа жавоб бермай турди. Лекин, ҳеч бўлмагач, қўлига телефонини олиб, қўнғироққа жавоб бера бошлади. Энди унинг гап-сўзлари атрофдагиларга аниқ эшитилар эди. У шундай баланд овозда гаплаша бошладики, гўё атрофда ҳеч ким йўқдай. У жанозада иштирок этаётганини ҳам унутгандай эди. Унинг сўзларидан кўпчиликнинг диққати бузилди, унга нисбатан эътирозлари ҳам пайдо бўла бошлади. Ёнидаги ёши улугроқ бир кишининг сабри чидamay кўрсатгич бармоғини лаблари устига қўйиб, «тугатинг» деган ишорани кўрсатишга мажбур бўлди. Шунда ҳам у гапини тугатмай, секин ўрнидан туриб, четроққа бориб, гапини давом эттираверди. Бу воқеа кўпчиликда салбий таассурот уйғотгани аниқ эди.

Сўзимни мухтасар қилар эканман, мобил уяли алоқа воситаларининг шундай жадал ривожланаётган бир даврида, улардан фойдаланиш маданияти ҳам шу ривожланиш билан уйғунлашган ҳолда ўсиши керак, деб ўйлайман. Бунинг учун эса мутасадди ташкилотлар уяли қўл телефонларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиққач, бир эслатма ҳолида кичик китобча кўринишида чоп эттиришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, ўз навбатида, юқоридаги салбий ҳолатларнинг камайишига олиб келган бўларди.

ТУПРОҚ ОЛСАНГ, ОЛТИН БЎЛСИН!

Собиржон ота-онасидан энг кичик фарзанд. Ундан катта икки акаси уйланиб, уйли-жойли бўлиб, алоҳида яшашиди. Ота-оналари ҳаётлик пайтларида «ҳовли-жой энг кенжа ўғил учун» деб васият қилишган ва барча фарзандларига тегишли меросларини тақсимлаб беришган.

Собиржоннинг Ҳасан-Хусан икки ўғли вояга етиб, уйландиган бўлиб қолганлиги сабабли отасидан қолган эски уй ўрнига янги, замонавий кўринишда икки ўғлига мўлжаллаб уй қуришни режалаштириб қўйгач, бу ҳақда акаларидан маслаҳат олиш мақсадида улардан оқ фотиҳа беришларини сўради.

Катта акаси Олимжон бу режани маъқуллар экан, нима ёрдам керак бўлса, тайёр эканлигини билдириб, бошлаётган ишига омад тилаб, укасини дуо қилди. Кичик акаси Сотимжон эса бу режани эшитиши билан:

— Собиржон, отамизнинг ерида бизларнинг ҳам ҳаққимиз бор. Аввал бизларни рози қилиб, ҳақларимизни ажратиб берсанг, кейин эса нима қилсанг, қилавер, қаршилигимиз йўқ, — дея, ўз норозилигини билдириб, шартларини қўя бошлади.

Кичик акадан бундай муносабатни кутмаган Собиржоннинг асаби бузилиб, боши қотгач, катта акасига муурожаат қилди. Катта ака эса:

— Э, ука, сен акангни гапларини қўявер. Аканг хотинини гапига кириб, ҳар хил гапларни гапираверади. Сен парво қилма. Ота-оналаримиз тириклик вақтларида барчамизнинг ҳақларимизни мерос қилиб, бўлиб беришган. Ҳовли эса сенга деб, айтишгани акангни ёдидан чиққан шекилли. Мен унга ўзим тушунтириб қўяман. Сен эса режадаги ишингни бошлайвер. Агар аканг «Отамдан қолган ерда менинг ҳаққим бор» дейдиган бўлса, уй пойдеворини қовлатаётганингда бир машина тупроқни ҳовлиларига тўкиб берсанг ўша айтган ер ҳақидан қутулган бўласан, — дея ҳазил аралаш гапириб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Собиржон эски уйини буза бошлади. Экскаватор бўлажак уй пойдеворини қазий бошлади. Кетма-кет қатнаётган юк машиналари пойдеворни қавлашдан чиқаётган тупроқларни ташир экан, бир машина тупроқни Сотимжон

аканинг ҳовлиси олдига тўкиб келишларини Собиржон айтиб, ҳайдовчига акасининг уй манзилини ҳам тушунтириб берди.

Сотимжон тушдан сўнг уйга келгач, эшиги олдидаги катта тупроқ уюми савлат тўкиб турганини кўриб ҳайрон бўлди. Уйдагиларидан бу ҳақда сўраганда, ҳеч ким аниқ жавоб айта олмади. Шундан сўнг катта қурилиш қилаётган қўшниси тупроқ тўктиришга жой тополмай, шу ерга тўктирган бўлса керак, деб ўйлаб, бу ҳақда қўшнисидан сўради. Қўшниси эса бу тупроқ уюми уники эмаслигини, лекин тупроқ Собиржонга керак бўлмаса, эртадан уйда лой сувоқ усталари иш бошлаши ва унга тупроқ жуда асқотишини айтди, ҳатто пулини бериб, сотиб олишини ҳам қўшиб қўйди. Лекин, Сотимжон «тупроқ уники эмаслиги» ва иложи бўлса, тезроқ йўлни бўшатиб беришларини қўшнисидан илтимос қилиб сўради.

Шу куннинг ўзидаёқ қўшнининг мардикорлари тупроқни ташиб, йўлни бўшатиб беришди. Бош оғриғи бўлиб турган тупроқ уюмидан қутилганига Сотимжон кўнгли хотиржам бўлди.

Кечга яқин қурилиш қилинаётган қўшнисининг уйда шовқин-сурон, бақир-чақирлар бошланди. «Қўшнимнинг уйи тинчликмикан?», — деган ўй билан Сотимжон қўшнисиникига хабар олгани чиққанида жанжал тўхтаган эди, лекин қўшнисининг ранги оқариб, мазаси қочганлигини кўргач, ундан:

— Ҳа қўшни, тинчликми ўзи? Шовқин — сурон бизнинг ҳовлимизгача эшитилгани учун тинчликмикан, деб хабар олгани чиқдим, — дея сўради.

— Э, э ..Нимасини айтасиз. Сиздан олган тупроқни ташишаётган мардикорлар тупроқ орасидан кичик бир кўзача топиб олишибди. Улар қизиқиб, кўзачани синдириб қарашса, ичидан тилла тангачалар чиқибди. Тангаларни мардикорлар тенг бўлиша олмай ўзаро жанжал ҳам чиқаришибди. Мен нима бўлгандан беҳабар, ораларига тушиб, «Ҳозир милиция чақираман, ҳаммангни тегишли жойга олиб кетади», — деб дўқ урганимни биламан, мардикорлар қўлларига илинган тангаларни чўнтақларига солганча, ҳатто кийимларини алмаштирмасдан ҳам жуфтакни ростлаб қолишди. Бу тилла кўзача эса Сизга ҳам,

менга ҳам буюрмаган экан, мардикорларга насиб этди. Ҳа, майли нима бўлганда ҳам, яхшиликка бўлсин-да. Мана, бу ўша кўзача бўлакчалари, — деб ерда сочилиб ётган сопол идиш бўлакчаларини кўрсатди.

Энг оғири эса, кечкурун Собиржоннинг акасига қилган телефон кўнғирогидан сўнг содир бўлди. Собиржоннинг ҳазил аралаш:

— Ака, ҳовлини буза бошладим. Уй пойдеворини қазий-тиб, «Отамнинг ерида ҳаққим бор» деганингиз эсимга тушиб, бир машина тупроқни Сизга бериб юбордим. Рози бўлинг, — деб акасига ҳазил аралаш айтган эди, шу вақтнинг ўзида акаси:

— А, нима дединг? Тупроқни .. тупроқ ..оҳ, юрагим — дея юрагини ушлаганча мазаси қочиб, йиқилди.

Тез ёрдам машинаси Сотимжонникига келганини кўриб, энди қўшниси ундан хабар олгани чиққанда эса, уни касалхонага юрак хуружи сабаб олиб кетишганлигини айтишди.

Ҳа, албатта, қўшни бу ҳолатнинг сабабини билмайди, лекин инсон нафсига қул бўлгач, оқибати шундай бўлишига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади.

5.04.2012 йил.

ДЎСТЛИКНИНГ СИНОВИ

Икки йўловчи дўст йўлда суҳбатлашиб кетар экан, бири иккинчисидан сўраб қолибди:

— Фараз қилгил, агар шу йўлда кетаётиб, ичи тўла тилла кўзача топиб олсанг, нима қилган бўлардинг?

— Мен осон келган бундай бойликни унча хуш кўрмайман. Бир танга бўлса ҳам, меҳнатимга келган бўлса, баракаси бор, деб ўйлайман. Шукр этиб, қадрига етаман. Агар ўзинг топиб олсанг нима қилган бўлар эдинг? — деб шу заҳоти сўрабди иккинчи дўст биринчисидан.

— Мабодо, мен топиб олсам, дарров уйга олиб бориб, ҳеч кимга кўрсатмай, данғиллама янги уй қураб эдим, Хорижий машиналардан бирини танлаб, сотиб олиб, минар эдим, — дея хушнудлик билан жавоб берибди биринчи дўст.

— Ахир, кўзачани мен билан бирга топиб олсанг, нахотки мен билан бўлишмасанг. Дўст бўлганлар «бир майизни ҳам бўлиб ейишиш керак» лигини яхши биласанку? — дея норози оҳангда гапга аниқлик киритмоқчи бўлиб, сўрабди иккинчи дўст.

— Ҳақиқатан, агар майиз топиб олсам, албатта сен билан иккига бўлишаман, лекин гап ҳозир майиз тўғрисида эмас, балки бир кўзача тилла ҳақида гап кетаяпти, дўстим. «Топган — тополоқники, бахти қулганроқники» бўлади, хафа бўлмайсан, — дебди биринчи дўст хали топилмаган тилла кўзача ҳақида.

Икки оғайни шу аснода келишолмай, ораларида жанжал юзага келибди. Ҳаттоки, ораларидаги муносабат ёқалашиш даражасигача етиб борибди. Шу пайт қарши томондан келаётган оппоқ соқолли, нуроний бир чол пайдо бўлиб, уларнинг ораларига тушиб, ажратибди ва жанжал сабабини сўрабди.

Улардан бири эса бўлиб ўтган воқеани рўй-рост айтиб бергач, йўловчи чол бир хўрсиниб, дебди:

— Эҳ, эсиз дўстлигингиз. Ҳали йўқ нарсага шундай жанжал қилаётган бўлсангиз, ҳақиқат рўёб бўлса, нима қилардингиз? Бундай дўстликнинг умри капалак умри мисоли бир кунлик бўлади, буни унутмангиз, — дея йўлида давом этган экан.

9.04.2012 йил

ШАҲАР ЧЕТИДАГИ БИР УСТАХОНАДА

Абдусаломнинг арендага олган машинаси носозлиги туфайли яқин атрофдаги машина таъмирлаш устaxonасига мурожаат қилишига тўғри келиб қолди.

Устaxonада мижозлар йўқ эди. Абдусалом ёши каттароқ бир устага «машина моторини бир кўриб берсангиз, баъзи-баъзида ўт олиши қийин бўлаяпти», — деб, кўриб беришини илтимос қилди. Уста ҳам худди шуни пойлаб тургандек дарров ишга киришди. Машина капотини очиб, моторнинг қисмларини бирма-бир текшира бошлади. Шу орада уста Абдусаломдан сўради:

— Шаҳарликмисиз?

— Ҳа, шаҳарликман, нимага сўраяпсиз? — деди Абдусалом.

— Машинани арендага олганга ўхшайсиз, тўғрими? — яна савол берди уста.

— Ҳа, бир йилдан бери арендада юраман? — дея мамнунлик билан жавоб берди Абдусалом.

— Эгаси футболга қизиқар эканда, айниқса «Барселона» футбол командасига мухлис бўлса керак. Ўзи ҳам футбол ўйнаб турадими, дейман? — дея уста яна савол билан мурожаат қилгач, Абдусалом ҳайрон бўлиб:

— Ҳа, тўғри топдингиз — дея жазоб берди.

— Машина эгаси баланд бўйли, сочи жингалак ўзбек, шекилли? — дея устанинг такрор берган саволига эса Абдусалом лол қолиб:

— Ҳа, шундай, лекин буларни Сиз қандай қилиб билаяпсиз, ака? — саволга савол билан мурожаат қилди

— Бу жуда осон. Машинангиз номери шаҳарники. Моторнинг анча вақтдан бери ювилмаганлигини кўриб, арендага олганингизни билдим. Эгасининг футболга қизиқиши ва «Барселонага» мухлис эканлигини машина орқа ойнасига ўрнатилган «Барселона» футбол клуби эмблемаси айтиб турибди. Орқа ўриндиқ тепасидаги футбол тўпи эгаси футбол ўйнашига тахмин уйғотди. Ахир, машинани арендага олиб, тирикчилик қилган кишида футбол ўйнаш учун вақт қайда дейсиз — дея уста ўз фикрини билдирди.

— Мантиқан фикрингиз тўғри. Лекин машина эгаси ўзбек эканлиги ва бунинг устига баланд бўйли, сочи жингалак эканлигини билганингиз мени таажубга солмоқда. Шунча нарсани билган, хали машина эгасининг исмини ҳам айтиб берарсиз?

— Ҳа, энди буниси эса ҳаммасидан осон. Машина эгасининг исми Баҳодир. Катта бир фирманинг директори, тўғрими?

— Топдингиз, ака, жуда тўғри. Қойил қолдим Сизга?

— Э-э, бунга қойил қолмасангиз ҳам бўлаверади. Ахир, машина эгаси менинг қадрдон дўстим-ку. Машинани устахонага олиб келганингиздаёқ номеридан таниган эдим. — Фақат Сиздан сўраб, масалага аниқлик киритдим, холос.

— Ундай бўлса, яна қойил қолдим Сизга, ака. Саломат бўлингей! — деди Абдусалом ҳайратини яширолмай.

8.04.2012 йил

ЎЗИНГГА БОҚ

Биз, ўзбекларда, ажойиб бир гап бор: «Аввал ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ»

... Яқинда бир воқеа содир бўлди. Мен синглимизни келин қилиб олган бир оилага кўёв бўлганман (яъни, «қарши куда» бўлинган, дейилади). Ҳозир бир фарзанднинг отасиман. Синглимда эса икки фарзанди бор. Авваллари унинг оиласи ҳам бир оз нотинчроқ бўлган. Баъзи-баъзида тешик қулоғимизга «гинғир-минғир» гаплар ҳам чалиниб турарди. Лекин, мен уйланиб, ушбу уйдан қизларини келин қилиб олингач, бундай гап-сўзлар барҳам топган эди. Албатта, бизнинг оилада ҳам ҳаммаси текис эмас, баъзан-баъзан эр-хотин жанжаллашиб ҳам қоламиз. «Эр-хотиннинг уруши — дока рўмоннинг қуриши» деганларидек, бу келишмовчиликлар тезда ечилиб, ҳал бўлади. Ахир, «Бир кун жанжал бўлган уйдан — минг кун барака кетади», дейди доно халқимиз.

... Бир кун аввал роса ёмғир ётган эди. Ҳамма ёқ лой, йўлларда юриш қийинлашиб қолди. Аксига олиб, ёмғирга қарши соябон ҳам олмаган эканман. Уйга келганимда кийим-бошимдан тортиб, оёқ кийимларимгача ифлос бўлганди. Айниқса, оёқдаги туфлигимга ёпишган лой қатлами шу даражада эдики, ҳатто унинг рангини ҳам беркитиб юборган эди.

Кечки овқатдан сўнг, чарчаганим туфайли бир оз дам олмоқчи бўлиб, хонамга кириб кетар эканман, хотинимга оёқ кийимларимни тозалаб қўйишни эслатиб ҳам қўйдим.

Одатдагидек, эрта билан нонушта қилиб бўлгач, яна хизматга кетишга тайёргарлик кўра бошладим. Не кўз билан қарайки, кечаги оёқ кийимим қандай ифлос ҳолатда турган бўлса шундай ҳолатда эканлигини кўриб қолдим. Кайфиятим бузулиб, хотинимни чақирдим-да, оёқ кийимимни бир пойини қўлимга олиб. «Бу нима?» деб жаҳл билан сўрадим. Шунда хотиним дарров қўлимдан ифлос оёқ кийимни олмоқчи эди, асабим бузулгани учунми, билмадим, қўлимдаги оёқ кийимни «Бун жойи ўша ерда», деб ҳовлимиздаги лой шудгорга улоқтириб юбордим-да, йўлакдаги оёқ-кийим жовонидан эскисини олиб, кийдимда, ишга жўнадим.

Шу куни кечқурун қайнимнинг (ва, албатта, оиламизнинг кўёви, яъни синглимни эрини ҳам) туғилган куни эди. Хотиним эса, мен ишдан келгунча, совға-саломлар тайёр-

лаб қўйган, бир тоғорада ҳасиб, яна бир коробкада ҳўл меваларни жойлаштириб, атайлаб шу туғилган кунга буюртма асосида тиктирилган янги қўйлагини ҳам кийиб, яса-ниб олган ва мени пойлаб турар эди. Ишдан чарчаб келган бўлсам ҳам туғилган кунга бормасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Қайнимнинг уйига келганимизда дастурхон атрофида суҳбатлар авжига чиққани билиниб турарди. Биз ҳам дастурхон атрофида ўз ўрнимизни эгалладик. Эндигина ҳаммалари билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлган ҳам эдикки, қайнонам даб-дурустдан, томдан тараша тушгандек, кечаги ёмғир ҳақида, ҳамма ёқ лой, ифлос бўлганлиги ҳақида ва орада эса менинг синглим (яъни, уларнинг келинлари) йўлакдаги ифлос ва лой бўлган калишларни тозалаб ювмаганлиги сабаб, ўзлари келинларининг қўлидан ушлаб, водопровод олдига етаклаб бориб, қандай ювиш кераклигини унга ўргатганликлари ҳақида куюниб гапира бошладилар.

Шундан сўнг мен дарров фаҳмладим — бу айтилаётган гаплар менинг номимга келаётганлигини сеза бошладим. Демак, эрталабки хотиним қилиб қўйган айбини онасига қандай тушунтирган, билмадимку, лекин ҳар қалай қайнонам ушбу воқеани текислаш мақсадида айтаётгани энди равшан эди. Албатта, бу гаплар менга таъсир қилиб, ҳамманинг олдида мулзам қилаётган эди. Шундай бўлсада, тишимни-тишимга қўйиб чиладимда, сўнгра бир оз ўйлаб, шундай дедим:

— Кечаги ёмғирдан кейин ҳамма хонадонда ҳам келинларга қийин бўлди. Сизнинг келинингиз-ку оёқ-кийимларни чала бўлса ҳам ювибди. Лекин, менинг хотиним эса оёқ кийимларни ювиб қўйиш кераклигини умуман ёдидан чиқариб, унутиб қўйибди. Келинингизга оёқ кийимни қандай ювиш кераклигини ўргатибсиз-бу жуда яхши, лекин менинг хотинимга эса қандай қилса ёддан чиқмаслигини ҳам ўргатиб қўйсангиз, яхши бўларди-да.

Вазиятни бундай тус олишини ўйламаган қайнонам бир менга, бир қизига қараб:

— Ҳа, майли ундай бўлса, хотинингизни юборсангиз, мен ёрдамга тайёрман, — деб гапни бошқа мавзуга буриб юборди.

Демак, қарши куда бўлишнинг яхши томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам бор экан.

20.02.2012 йил

ИСМ ҚҰЙИШДАГИ ЭХТИЁТЛИК

(ҳазил)

Бир корхонага янги ходим ишга қабул қилинаётган вақтда кадрлар бўлими бошлиғи бу ходим учун махсус варақани тўлдириш ниятида сўрай бошлабди:

— Фамилиянги?

— Оловиддинов — дебди, янги ходим.

— Отангизнинг исми?

— Отамнинг исми Учқунбек

— Ўзингизнинг исмингиз?

— Оташбек

— Жуда яхши. Энди яшаш манзилингизни ҳам айтиб юборинг — деб яна сўрабди бўлим бошлиғи.

— Нуробод шаҳри, «Машъал» тумани, «Куйган ёр» «қишлоғидаги «Аланга» номли маҳалланинг «Гулхан» кўчаси 101-хонадонидида яшайман.

Янги ходимнинг бундай жавобидан сўнг, бўлим бошлиғи ярми ҳазил, ярми чин билан:

— Кечирасиз, мабодо уйингизнинг томлари ва дарвозаси қизғиш-олов рангли эмасми? — сўрабди.

— Ҳа, ҳа, худди шундай, топдингиз. Сиз буни қаердан биласиз? Бизнинг ҳовлида бўлганмисиз? — дея қизиқиб сўрабди ходим.

— Йўқ, бўлган эмасман. Фақат мантиқий фикр мени шу хулосага олиб келди. Ахир, фамилиянги, отангизнинг исми, ўзингизнинг исмингиз, ҳатто яшаш манзилингиз ҳам «ёниш», «куйиш», «Оби-оташ», «ёнғин-гулхан» билан боғлиқ бўлгач, уйингиз томи ва дарвозангизнинг ранги олов рангли бўлиши шу кетма-кетликнинг мантиқий давоми бўлар эди, холос. Лекин, нима бўлганда ҳам бу кетма-кетлик якунидан Худо асрасин, — деб бўлим бошлиғи айтса, янги ходим:

— Тўғри айтдингиз. Яқинда ён қўшнимизнинг ошхонасига ўт тушиб, бизнинг уйга ҳам ўтай деганда, ўт ўчирувчилар ўз вақтида келиб, ёнғинни бартараф этмаганида, Сиз айтган кетма-кетлик якунига етиши мумкин эди, — дея мамнунлик билан жавоб берди янги ходим.

Ҳа, исм ва номларни ҳам билиб қўйиш керак, шекилли.

23.07.2011 йил

ДЎСТОНА ЁРДАМ «ОҚИБАТИ»

Яқинда олийгоҳни бирга тамомлаган дўстларим билан йиғилишда талабалик йилларидаги бир қизиқ воқеа ёдга тушди. Бу воқеа собиқ шўролар даврида бўлган эди. Ўша даврда мен Москвадаги олийгоҳларнинг бирида таҳсил олаётган эдим. Ёзги таътил кунларим тугагач, август ойининг охириг кунига самолётга чипта сотиб олиб, ўқишга кетишга тайёргарлик кўра бошладим. Буни эшитган Собиржон исмли дўстим уйимизга меҳмон бўлиб келди. Анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат чоғида Собиржон томорқасидаги ажойиб помидор нави ҳосилга киргани ҳақида гапирди ва қаршилиқ билдирмасам, шу помидор ҳосилидан бериб юборишини айтди. Москвага етиб боргач, яқин бозорчалардан бирида уни кўтара нарх билан сотиб, тушган пулини эса зарур юмушларимга ишлатишимни маслаҳат берди. Бунга мен эътироз билдирдим, чунки олиб кетадиган юкларим шундоғ ҳам жуда кўп эди.

Эртасига эрта билан Тошкент Аэропортида Москва йўналишидаги самолётга рўйхатдан ўтаётганимда Собиржон дўстим катта бир чарм жомадон кўтариб, келиб қолди. Билсам, ичи тўла янги нав помидор меваси экан. Уни кўл юки сифатида расмийлаштирамиз десам, аэропорт ходими «Фақат 5 кг юкни салонга олиш мумкин», деб руҳсат бермади. Самолёт учиш вақтига оз қолганлиги сабаб, таваккал қилиб Собиржон келтирган помидор жойлаштирилган жомадонни умумий юк ҳисобида топширишга мажбур бўлдик.

Самолёт Москванинг Домодедово аэропортига вақтида етиб келди. Барча йўловчилар махсус залда ўз юклари ни интизорлик билан кутишарди. Бир оздан сўнг йўловчилар юки кетма-кет чиқа бошлади. Ҳамма ўз юкини билиб, юк айланиш тасмасидан ажратиб олар эди. Мана, ниҳоят менинг ҳам икки жомадоним чиқиб кела бошлади. Не кўз билан қарайки, помидор солинган жомадоним ичидан қизил тусли шарбат сизиб чиқаётган эди. Буни кўриб, аввалига жомадонимни атайлаб олмадим. Четдан қараб, нима қилишни билмай, пойлаб турдим. Иккита чарм жомадоним эса эгасини пойлаб, айлана юк тасмасида ҳамон пойлаб, айланар эди. Юк олиш залида ҳеч ким

қолмагач, юкларимни тезда олиб, бир оз хавотир билан аэропортдан чиқиб, «такси» тўхташ жойига бир амаллаб етиб келдим. Йўл бўйлаб жомадондан томаётган помидор шарбати қолдираётган изидан ўзим ҳижолатда эдим.

— Қани энди, Домодедово аэропортидан Москвага тезроқ етиб борсамда, энг яқин бозорлардан бирида помидорларни кўтара нархга сотиб юбориб, қўлимдаги омонат юкдан тезроқ қутулсам, деган хаёл мени тарк этмасди.

Такси машинаси мени Москвадаги катта бозорлардан бирига ташлаб кетди. Қўлимдаги икки жомадон билан бозорга кириб келишимдаёқ апелсин, мандарин сотаётган бир кавказлик йигит югуриб, ёнимга келиб:

— Ҳа, оғайни, яхшимисан? Сотишга нима олиб келдинг? — деб мендан сўради.

— Помидор олиб келдим.

Кўтарасига оладиган киши бўлса, арзон нархда бериб юбораман. Ўзим шу ерда ўқийман — студентман, — дедим унга хотиржам оҳангда.

— Помидоринг қанча бўлса, ҳаммасини оламан. Қани тезроқ мен билан юр-чи. Акс ҳолда помидор оладиган шериклар кўпайиб кетади — деди-да, ўз савдо растаси томон мени бошлаб кетди. Бундан мен хурсанд эдим, чунки молимни қанча тез сотиб кетсам шунча яхши эди-да. Тезроқ ётоқхонага бориб, дам ҳам олишга улгураман. Ахир «Йўл азоби — гўр азоби», — дейдику, доно халқимиз.

Шу алфозда кавказлик сотувчи йигит помидор солинган жомадонни қўлимдан олиб, очиб кўра бошлади. Жомадонни очдию шу вақт менга зумдан қарадида, узоқ вақт жомадон ичига тикилганча, ҳайрон туриб қолди. Мен ҳам не кўз билан қарайки, жомадон ичидаги помидорнинг ҳали эзилишга улгурмаган кўкимтир рангли доналари қип-қизил шарбатда сузиб юрар эди. Мен ҳам хангу манг бўлиб қолдим. Лом-лим дея олмай, «энди бу ёғи нима бўларкин?», — деб ўйлаб, савдогар йигитнинг жавобини интизорлик ва ҳаяжон билан пойлаб турдим. Орадаги бир оз жимликдан сўнг:

— Ҳа, майли, студент. Сен ҳам яхши ният қилиб, беш - ўн сўм ишлайман, деб узоқдан кўтариб келгансан. Шу туришича ҳамма помидоринг учун кўтариб келишинга сарф бўлган йўл ҳақингни бераман, розимисан? — деб сўра-

ди. Аслида бу яхши таклиф эди. Мен унинг айтган шартига дарров рози бўлиб, йўл ҳақи 10 сўм бўлганини айтдим. Ҳеч бўлмаса, такси ҳақи чиқаётган эди.

Савдогар йигит қўлимга 10 сўм пулни тутқазгач, фақат тезроқ чарм жомадонни бўшатиб беришини ундан илтимос қилиб, сўрадим.

Бу илтимосимни эшитган кавказлик йигит сергак тортиб:

— Бу нима деганинг, студент? Ахир жомадон ичидаги помидорлар ҳеч кимга керак эмас. Аҳволини ўзинг кўриб турибсанку. Мен фақат шу жомадон учун уни сотиб олдим. Ичидаги помидорлар ахлат идишга ярайди, холос — деб кўз олдимда ёнидаги катта бир ахлат идишга ҳамма помидорларни ағлариб ташлаб, жомадонни бўшатиб қўйди.

Мен эса бир қўлимда 10 сўм пул, иккинчи қўлимда кийимларим солинган жомадоним билан ҳаёлимда фақат Собиржон дўстим турар эди, чунки 10 сўмга ҳозиргина мажбур бўлиб сотиб юборилган жомадон уники эди-да.

Унга энди нима деб жавоб бераман?

10.08.2011 йил

ГУМОНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Яқинда ўғлимизнинг никоҳ тўйи базми шахримизнинг кошона тўйхоналарининг бирида жуда чиройли бўлиб ўтди. Кетма-кет ташриф буюрган элга таниқли қўшиқчилар тўй базмини гўзал ўтишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Айниқса тўй базмини олиб борган бошловчи ушбу тантанани чиройли ва режа билан олиб борганлиги ва ўз ўрнида кетма-кет табрик сўзлари—гоҳ келин томонидан, гоҳида куёв томонидан, келин-куёвнинг ёру биродарларининг табриклари ҳам рисоладагидек бўлди. Лекин, «оналар табриги» жараёнига навбат келганда эса қуйидаги нохуш воқеа содир бўлиб, тўй эгаларининг кайфиятлари бузилишига олиб келди.

... Тўй базми энг авжига чиққанда тўй бошловчи «оналар табриги» операциясини бошлади. Ҳаммага маълумки бу жараёнда тўй олиб борувчи келин-куёв оналарига табрик айтиришиб, сўнгра қўшиқчини ўртага таклиф этадида, оналарни ўйнатиш натижасида тўйга ташриф буюрган барча

меҳмонларнинг пул қистиришини ниҳоятда орзиқиб кутишади. Бизнинг тўйда ҳам худди шундай бўлди. Қўшиқни куйлаш навбати эса келин томонидан ташриф буюрган қўшиқчига берилди. У «Муножот» қўшиғини ижро этиб, келин ва куёвнинг оналарини ўртада ўйнатди. Қўшиқ авжига чиққач эса оналарга «пул қистириш» операцияси бошланди. Аввалида оналарига гулдасталар тақдим этган келин ва куёв пулқистиришни бошлаб беришди. Сўнгра навбатга тизилган ҳолда куда-андалар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, ҳамкасбларнинг пул қистиришлари бошланди. Ўртада ўйнаётган оналарнинг икки қўллари пулга тўлиб кетди. Хаттоки, қистирилган пуллар оналар кафтига сиғмай, оёқ остиларига ҳам сочила бошлади.

«Оналар операцияси» ниҳоясига етгач эса, шу тўй базмини бузишга олиб келган ноҳуш воқеа содир бўлди. Гап шундаки, келиннинг онаси ўйнаётган вақтда қўлидаги аёллар сумкачасини кимгадир берганлиги ёдидан кўтарилиб, уни қидира бошлади. Ахир, унинг ичида тўйга ташриф буюрганларнинг барча тўёналари (ҳатто, доллардаги тўёналар ҳам бор экан), «келин салом» учун атайлаб олиб келинган қизларига аталган бриллиантли тилла тақинчоқлари ҳам шу сумкачада экан. Шундан сўнг аёл қуданинг аҳволини кўз олдингизга келтиришингиз қийин эмас. Аввалига аёл қуда гумон қилиб, энг яқин опа-сингилларидан суриштира бошлади. Ҳеч кимдан аниқ жавоб ололмагач, бечора келиннинг онаси ҳушидан кетиб қолди.

Энди унга тўйнинг қолган қисми қоронғу манзарага айланган эди. Бунни кўрган тўй эгалари ва келин томоннинг барча яқинлари дарров дори-дармон қилишиб, ҳамдардлик билдириб, уни овутишга ҳаракат қила бошлади. Ҳаттоки базм охирлаб қолганда тўй оборудчига илтимос қилиб, йўқолган аёллар сумкачасини ранги ва ичидаги қимматбаҳо нарсалар борлигини айтиб, ҳаммага эълон ҳам қилдирилди. Афсуски, тўй охирлаб ҳам қолдию, лекин йўқолган сумкачадан дарак йўқ эди. Албатта, «ким сумкачани олган бўлса ҳам, энди қайтариб бермаса керак» деган хаёл қўпчиликда бор эди. Сумкачани олгандикда гумон қилинган баъзи қариндошлар кайфиятлари бузилиб, тўйни эртароқ тарк ҳам этишди.

Шу пайт менинг хаёлимга тўй базмини видеотасмага олаётган жияним ёдимга тушди. Тезда уни ёнимга чақириб, тасмани орқага, яъни «оналар операцияси» ўтказилган дақиқаларни такроран видеокамера мониторида намоиш қилиб беришини илтимос қилдим.

Мана, экранда мен кутган кадрлар бирин-кетин намоён бўла бошлади. Кетма-кет пул қистиришлар, кимлар қистириётганлиги ва кимлар қўшиқ айтаётганлиги, кимлар пул қистиришга навбатда турганлиги — ҳаммаси аниқ ва равшан кўриниб турар эди. Шу вақт аёл қуда қўлидаги аёллар сумкачасини бир ёш йигит олганлиги яққол кўринди. Шу ерда видеони тўхтатиб, бу йигит кимлигини сўраб, аёл қудага кўрсатилди. Аёл қудамиз эса бу йигитни дарров таниди: «Бу катта опамларнинг ўғиллари — жияним Абзор-ку. Қўшиқ айтган санъаткорларни, тўёна сифатида, шу жияним таклиф этган эди.

Мен эса кимларнидир гумон қилиб, меҳмонларимиз дилларини оғритдим. Энди қандай қилиб уларнинг кўзларига қарайман. Қандай қилиб кечирим сўрайман. Аёл қуда дарров жиянлари Абзорнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, боғлангач, сумкача ҳақиқатда унда эканлиги ва санъаткорларни уйларига ташлаб, сумкачани ҳоласига олиб келиб беришини айтиб, қўнғилни хотиржам қилди. Албатта, шу кеча аёл қудамизнинг қўнғили хотиржам бўлган эди. Лекин, гумонда бўлган ва қўнғили ранжиган меҳмонларнинг қўнғилини ким ва қачон хотиржам этишини эса Яратган билади, холос.

Шунинг учун, бировдан гумон қилмоқлик катта гуноҳ саналса керак-да.

22.08.2011 йил.

БАХТ-САОДАТ ВА БАХТСИЗЛИК ҲАҚИДА

Жуда кўп ҳолларда инсонлар бир-бирига бахт-саодат тилаб, яхши ниятлар қилишади. Албатта, «яхши ният — бутун нон» дейди доно халқимиз.

Бахт ўзи нима? Унинг ўлчови, миқдори борми? Кимни бахтли ва кимни эса бахтсиз деймиз?

Изоҳли луғатларда «Бахт» - ҳаётдан тўла хурсандлик, мамнулик, беармонлик ҳолати, дея таъриф берилган.

«Саодат» эса энг улуғ бахт, юксак иқбол каби маъноларни беради. Демак, умуман олганда бахт ва саодат бир-

биридан фарқ қилар экан. Бахт сўзининг маъноси саодат сўзининг маъносига қараганда бир оз торроқ кўринади.

Ҳар биримиз ҳам ҳаётимиз давомида маълум бир бахтли онларни бошимиздан кечирамиз. Шунда ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Масалан, кимгадир лотореядан машина ютуғи чиқса, ўзини бахтиёр деб билади. Яна кимдир узоқ йил бефарзанд бўлсаю, сўнг фарзанд кўрса, дунёда унданда бахтиёр инсон йўқдек туюлади. Хуллас, бахтли онлар баъзан тўсатдан, қўққисидан келса, баъзан уни узоқ йил кутгач келиши мумкин.

Саодатга эришиш эса тўсатдан бўлмайди. Энг улуғ бахтга эришиш яъни саодатга етмоқ эса машаққатли ва узоқ бўлган ҳаётий йўлни катта қийинчиликларни енгиш эвазига ва гўзал хулқ ва солиҳ амаллар калитига эга бўлиш орқали эришиш мумкин бўлади. Бундай саодатга эришиш учун эса киши ўзининг хулқи одобини мукаммал қилиш, ёқимли муомала ахлоқини ўзида шакллантириш учун тинмай илм олиш билан курашиб, эришадиган бахт бахтнинг юқори чўққиси бўлади.

Турли хил алдовлар билан, ҳийлалар билан ҳасад ўтида ёниб, ўзгаларни бахтсиз қилиш орқали эришилган бахт эса аслида бахтсизликдир. Яна ҳам аниқроғи ва тўғрироғи бу бадбахтликдир.

Имонсиз одамгина бировни бахтсиз бўлишини истайди ва шунга қўлидан келганича ҳаракат қилади, ғалаба-сидан эса роҳатланади. Бировларни бахтсиз қилган инсон ўзи ҳеч бахтли бўла олмайди. Охир оқибат бундай кишини ҳам шундай бахтсизлик кутиб туради.

Демак, бахт-саодатга эришиш учун инсон биринчи навбатда, яхши хулқ-одобни ўзида мужассам этган, кишиларга яхшилик ва эзгуликлар қилувчи, меҳнатсевар, сабр-тоқатли, виждонли, идрокли, ҳаёли, меҳр-шафқатли, софдил ва албатта илмли бўлмоғи керак. Бу эса жуда катта куч ва машаққатли меҳнат талаб қилувчи ҳаётий жараёндир.

Бундай бахт-саодатга киши бир ўзи эришолмайди. Унга эришишда, биринчи навбатда, ота-оналарининг, устозларининг, яқин ёру биродарларининг хизматлари, ҳиссалари жуда катта. Буни унутмаслик керак, албатта. Бу хизматлар эса бахтли-саодатли инсон учун қарз бўлади. Қарз эса омонатдир, уни узмоқ керак. Юқорида айтилган инсон ҳислатлари, фазилатлари эса унинг баркамоллигини талаб этади. Демак, баркамол инсонгина ҳақиқий бахт-саодатга эришиши мумкин экан.

Агарда «бахт»ни бақувват илдизли бир мевали дарахтга ўхшатсак, шу дарахт соясида «бахтсизлик» деб аталмиш шер каби йиртқич ҳайвон мудраб, ухлаб ётгандек бўлади. Агар мудраб ётган бу йиртқич ҳайвон (бахтсизлик) уйғонгудек бўлса, у даҳшатли шер каби куч-қудратга эга бўлиб, бир зумда баҳайбат «бахт» дарахтини илдизи билан қўприб ташлашга қодир. Бир хитойлик файласуф Лао Цзи (Миллоддан аввалги 579- 499 йиллар) шундай деган экан:

«Оҳ, бахтсизлик! У бахтнинг таянчидир. Оҳ, бахтиёрлик! Унда бахтсизлик яширинган»

Шунинг учун эришилган бахтни доим сергаклик билан тинимсиз курашмоқ орқали сақлаб турмоқ лозим бўлади.

Бахтни баъзан жуда чаққон, тутиш қийин бўлган кийикка ўхшатишади. Шу кийик кўринишидаги «Бахт» айтар экан:

«Мен кийикка ўхшайман. Ҳамма ҳам мени тутиб олавермайди. Тутиб олса ҳам узоқ ушлаб туролмайди. Мени қўлга киритган одам қаттиқ ушласагина ундан қочолмаслигим мумкин. Аммо бунинг бир қанча шартлари бор. Энг аввало, мени қўлга киритувчининг қилиғи ўзгалар учун ёқимли, кўнгли юмшоқ, тили ширин бўлиши шарт. Ўзини иллатлардан эҳтиёт қилсин, гурурланмасин, ёвуз ва ярамас ишларга, хусусан, ҳасадга, исрофгарчиликларга, ҳийлаю алдовларга яқин турмасин. У камтарлик билан катталарга ҳурматни, кичикларга ширин сўзни раво билсин. Гердайиб, кишиларни оёқ ости қилмасин. Шунда мен у билан қоламан.»

Шуни хулоса қилиб айтсак бўладики, оила бахтли-саодатли бўлиши учун унинг ҳар бир аъзоси баркамол инсон даражасига етмоғи талаб қилинар экан. Бундай даражага эса илмсиз эришиб бўлмайди. Жамиятимизнинг бахтли-саодатли келажаги эса ҳар бир оила аъзосининг баркамоллигига боғлиқ бўлади. Бундай баркамоллик эса жамиятимизнинг илмий салоҳияти билан белгиланади. Жамиятимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишлиги сабабли, жамиятимиз бахтли бўлиши учун эса баркамол ёш авлод салоҳияти ва илм даражаси ҳақида гап кетади. Шунинг учун «Йигирма биринчи аср — интеллектуал ёшлар, баркамол ёшлар асри», деб бекорга эътироф этилмас экан.

8.11.2010 йил

ЎҒЛИМГА НАСИХАТ

Эй, ўғлим, отангизни қадрланг ва:

1. Отангиз дуосин олинг. «Ота дуоси Яратганнинг олдида бепардадир» — дейди доно халкимиз.

2. Отангиз билан кетаётганда заруратсиз ундан авваллаб юрманг.

3. Дастурхон атрофида отангиз ўрнига беруҳсат ўтирманг. Таом келтирилгач эса отангиздан олдин овқатга қўл узатманг. Отангиз таомдан ола бошлагач, кейин онангиз қўл узатишини кутинг. Отангиз таомин гўштини чиройлик тўғраб беришлик, пиёлаларига чой қуйиб туришлик, шошилмасдан таом ейишлари учун шароит яратиб беришлик ҳам фарзанд зиммасидаги хизматлардан биридир.

4. Отангиз ҳузурида унинг руҳсатисиз суҳбатга аралашманг.

5. Отангиз олдида беҳуда гапларни гапириб, қўпол ҳазил қилишдан ўзингизни тийинг.

6. Отангизга малол келадиган вақтда худа-беҳуда саволлар бераверманг.

7. Бирор бир жиддий иш бошлашдан олдин ота билан бамаслаҳат қилишга ҳаракат қилинг. Ушбу ишни бажараётганда отангиз дуосини олиб, розилигини топмоқ учун ҳаракатда бўлинг. Шунда ишингиз ҳам баракали якун топади.

8. Отангиз иш буюрганда (бу иш сизга малол бўлганда ҳам) ҳеч «уф» деманг. Бу сўз унинг қалбига мисоли ўқдек санчилиши мумкин.

9. Ота ғазабидан эҳтиёт бўлинг, дуоибад қилишидан ўзингизни асранг.

10. Отангизга мурожаат қилганингизда кўзларига тик қараманг ва паст овозда сўзланг.

11. Отангиз бирор савол билан мурожаат этганда юмшоқлик билан оҳиста ва мулоҳазалик ила аниқ жавоб беришга одатланинг.

12. Эрта билан хизматга кетаётганингизда отангизга саломингизни канда қилмай, дуосин олиб, уйдан чиқишга одатланинг. Хизматдан қайтгач эса, ҳузурларига кириб, саломлашгач, биринчи навбатда ҳол-аҳволларидан бохабар бўлишга шошилинг.

13. Отангиз сизнинг хонангизга ташриф буюрганда, ўтирган бўлсангиз зудлик билан ўрнингиздан туриб, очик чехра билан саломлашгач, уйингиз тўридан унга жой курсатиб, хурматин бажо айлаб, ўтказинг. Улардан аввал дастурхоннинг атрофига ўтиришга шошилманг.

14. Мабодо, отангиз сизни ноўрин койиганда ҳам, «Мен ҳақман», деб уларга қарши гапириб, кўнгилларини ранжитманг.

15. Спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ ва тамаки чекмоқ инсон умрининг заволидир.

Буни ҳамма ерда айтишади, буни сиз ҳам яхши биласиз. Лекин, шайтон йўлдан адаштирган ҳолда шу ишларни қилсангиз, отангизни ҳурмат этмай, ҳузурида бу ишларга ружуъ қўйманг.

16. Отангиз олдида фарзандларингизга одоб-ахлоқ ўргатмоқлик мақсадида қаттиқ гапириб, сўкиб, тарбия беришдан ҳам ўзингизни сақланг. Бундай ҳолат отангизни сўкканингиз билан баробардир.

17. Отангиз билан унинг дўстлари олдида ҳурматларини юқори даражада бажаришга пайдам бўлинг, токи отангиз бундан шод бўлсин, дўстлари олдида юзи ёруғ бўлсин.

18. Отангизни меҳмонларига илтифот кўрсатиб, хизматларини аъло даражада бажармоқлик пайида бўлинг. Зийраклик билан отангиз меҳмондорчилиги учун зарур бўлган бозор-ўчар ишларини режалаштиринг ва қилиб беринг.

19. Отангизнинг иссиқ-совуқ юмушларидан хабардор бўлинг. Улар сўрамаган бўлсалар ҳам ушбу юмушларни кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилинг.

20. Улуғ айём кунлари отангизни ювинтириб, янги кийимларини кийдириб, яқин қариндош уруғларни, ёру биродарларини зиёрат қилишлари учун шароит яратиб беринг.

21. Отангизни, иложи борича, уяли телефон билан таъминлашга ҳаракат қилинг ва вақтида телефон хизмати тўловларидан хабардор бўлинг.

22. Отангиз севган теледастурлар бўлса, уни кўришларига имкон яратиб беринг.

23. Отангиз вафотидан сўнг уларни дўстлари, ёру биродарлари ҳолидан хабар олиб тулинг. Шунда уларни руҳлари шод бўлади.

24. Отангиз ҳаж амалларини бажармоқ истаги бўлсалар, қўлдан келганча ёрдам беришга шошилинг.

Унутмангки, ушбу насиҳатларни амалда бажармоқлик отангиз розилигини топмоқликдир.

Бунда сизга сабр-тоқат ва амалий ижро тилаб қоламан.

25. Ушбу насиҳатларни кўнгилдагидек бажаришингизда жуфти ҳалолингиз, фарзандларингиз (ва агарда бўлса, келинглариингиз ҳам) бир тану бир жон бўлиб хизмат қилишсаларгина ҳаракатларингиз натижаси кўнгилдагидек бўлишини доим назарда тутган холда эътиборингиздан чиқарманг.

1.08.2012 йил

МУНДАРИЖА

Оҳ, менинг ватаним !	3
Халқинг қадрини билгин	4
Истиқлол ёшлари қўшиғи	5
«Ёш авлод» қўшиғи	6
Табиатнинг муҳаббати беминнат	7
Янги йил кириб келса	8
Бағишлов	9
Қаҳрамоннинг онаси	10
Жонимга пайванддир отам	11
Эй, буюк инсон	12
Бағишлов!	13
Ибрат	15
Саховат ҳақида	16
Қаноат	17
Карам	18
Эзгулик	18
Ёлғондан қоч	19
Ишқ ҳақида	20
Илмдандур	21
Муҳаббатим, муҳаббат!	22
Бу бизнинг осмондир	23
Умрни ғанимат билурсан	24
Оҳ, менинг илҳомим — менинг ижодим!	25
Маккор инсон ҳақида	26
Яхшию ёмон хусусида	27
Ишқ йўлида	28
Бахтли бўлайлик	29
Бахтсизлик	30
Билингки, қарилик кета бошлабди	30
Бу дунёда қолсин яхши ном	32
Мақтанчоқ бўлма	33
Ўзгача	33
Инсоф берсин	34
Муножот	35
Нега боқмассан	37
Ошиқларга осонмас	38
Панду насиҳат	39
Мевали дарахт	40
Ҳидоят сўрайман	41
Ҳиёнат қилманг	42
Мен севарман	43
Ким ва ким учун?	44
Яхшилик яхшидир	45

Яхшидир	45
Билгин	46
Ҳикматлар	47
Бир фирибгар ҳақида	50
Бир лаганбардор ҳақида	51
Киприкнинг бир томчи йиғиси	52
Ҳушайдику	53
Қалб гулшани	54
Айтинг	55
«Босмачилар»	56
Бирга бахтли бўлайлик	56
Сингилжоним эслатар онажонимни	57
Эй, дўстларим, бир гаплашайлик !	58
Севги мадҳи	59
Ассалом, эй ёрим	60
Камоним — созим менинг	61
Наманган булбули	62
Дуторим — борим менинг	63
Чойга марҳабо	64
Йигирма йиллик «дийдор учрашув»	66
Сўнгги кўнғироқ	66
Сен дунёга султон бўл	67
Богча болалари кўшиғи	68
Севги изҳори	68
Ҳайратдаман	69
Юлдуз санаб	70

НАСРИЙ МАШҚЛАР

Мустаҳкам оила — муқаддас маскан.	71
Фаҳрий парта	74
«Сақлагич»	75
Янги кўшнилари ҳақида	77
Қизининг бахтини ўйлаган она	79
Мобил уяли алоқа воситса — қўл телефонларидан фойдаланишни биламизми?	81
Тупроқ олсанг, олтин бўлсин!	84
Дўстликнинг синовни	86
Шаҳар четидаги бир устахонада	87
Ўзингга боқ	89
Исм қўйишдаги эҳтиётлик	91
Дўстона ёрдам «оқибати»	92
Гумондан эҳтиёт бўлинг!	94
Бахт-саодат ва бахтсизлик ҳақида	96
Ўғлимга насихат	99

ҲАМИДЖОН ТОҲИРЖОНОВ

ИБРАТ

(шеърлар ва ҳикоялар)

Муҳаррир:
Акрам Деҳқон

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

«Muharrir» нашриёти
Лицензия: АИ № 099. 2008 йил 24 март

Теришга 2012 йил 30 августда берилди.
Босишга 2012 йил 26 ноябрда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 ¹/₁₆. «Vertec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
6,5 шарт. б.т. 5,2 ҳисоб нашр. таб.
Адади 500 нусха. 135-сон буюртма.

«Muharrir» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.
e-mail: muharrir@list.ru